

ЗАЙНИДДИН МУХАММАД ГАЗЗОЛИИ

(1058 - 1111)

Зайниддин Мухаммад Абу Хамид бинни Мухаммад Ахмад Газзолий Тусий мусулмон оламида "Хужжату-л-ислом" унвони билан машхур. У Хуросоннинг Тус шахрида тугилган, болалиги Газзола кишлогида кечган. Тусда Ахмад Родугонийдан, Нишопурда Жувайнийдан таълим олган. Багдодда тўрт йил мударрислик килган, Сурия, Искандария, Андалусия сингари мусулмон ўлкаларида яшаган, умрининг охирида ўз кишлогида хонакох ташкил килиб, ўша ерда вафот этган.

Имом Газзолийнинг куйидаги асарлари "Комусу-л-аълам"да зикр килинган: "Ал-Басит" («Жавхар»), "Ал-Васит" («Ўрталиқ»), "Ал-Ваъжиз" («Киска»), "Ал-Хулоса", "Ал-Мустафо" («Сайланган»), "Ал-Мунхал" («Нихоллик»), "Ал-Мунтахал" («Нихоя»), "Тахофуту-л-фалосифа" («Файласуфларнинг ихтилофлари»), "Махаку-н-назар" («Карашларни аниклаш»), "Меъёру-л-илм" («Илм меъёрлари»), "Ал-Макосид" («Максадлар»), "Хакикату-л-кавлайн" («Икки сўз хакикати»), "Ихъя ал-улум ад-дин" («Диний илмларни жонлантириш»), "Маъқулот" («Тушунчалар»), "Ажибу-л-кулуб" («Ажойиб калблар») ва бошканлар.

Улуг алломанинг "Кимиёи саодат" асарининг зохирий таржимаси "Дил хакикати" бўлиб, бу асар мусулмонлик унвонининг пайдо бўлишидан бошлаб то тасаввупнинг нозик

тушунча ва ишоратлари шархига багишлиланган. Ушбу асарнинг дил ва рух тушунчалари, уларнинг тасаввуфий талкинларига оид ва бошка умуминсоний фикрлар сайланган холда ушбу мажмууга киритилди.

«КИМИЁИ САОДАТ»дан

ФАСЛ: Дилингни билсанг ўзингни танигайсен

<...> Билгилким, сени ким халк килибдир? Икки нимарсадин бири зохир бадандирки, ани тан атабдирлар, муни зохир кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири маънии ботиндирки, ани нафс¹

дерлар,

жон

атарлар ва

дил

хам дерлар. Бу маънии ботинни (яширин маънони) ботин (ички) кўз бирла танигани бўлур. Зохир

кўз бирла кўргали бўлмас. Ва сенинг хакикатинг - ушбу маънии ботиндир.

Ва хар нимарсаки, бу маънии ботиндин ўзгадир - хамма анинг тобеи ва лашкаридир. Ва хизматкоридирлар. Ва ул маънии ботинга дил от кўйибдирлар. Ва дилнинг хосиятларин ва хислатларин баён килгумдир. Ва

дилди

н мурод - хакикати

одамийдирким, ани гохи

рух

атарлар, гохи нафс дерлар. Дил деб гўшт порани айтмасмизким, сийна, яъни кўкракнинг чап тарафида кўйибдирлар. Анинг хеч кадри ва эътибори йўқдир.

Ул гўшт пора хайвонда ва ўликларда хам бордир. Ани зохир кўзи бирла кўргали бўлур.

Хар нимарсаки зохир кўзи-ла кўринур,

ушбу оламдиндирки, ани олами шаходат дерлар. Ва дилнинг хакикати ушбу оламдин эрмасдир ва оламда гариб ва мусоффирдир.

Дил бу олам кўхна роботидин охират дорул *нажоти²га ёнмокга* (кайтмокка) келибдир. Ул гўшт пора (юрак) подишоҳ дилнинг маркаби

3

ва асбоби суфраидир.

Ва хамма

азои бадан

анинг лашкаридир. Ва жумлаи таннинг подшоҳи дилдир.

Ф А С Л : *Дил хакикати*

Билгилки, дилнинг хакикатини танимок то дилнинг вужудин билмагунча хосил бўлмас.

Аввал дилнинг вужудин билгайсен.

A

ндин кейин дил хакикатини танимокни талаб килгайсенким, ул нечук нимарсадир?

Аммо дилнинг вужуди зохир билан бирла эрмасдирким, бадан ўлукларда хам бордир. Аммо (уларда) жон йўқдир. Бизлар дил деб хакикати рухни айтurmиз. Вактики рух бўлмаса тан мурдордирки, анинг хеч эътибори йўқдир. Агар киши ботин кўзини очиб, зохир баданни ва осмону заминни ва ҳар нимарсаки, ани зохир кўзи бирла кўрса бўладир, хаммасини фаромуш килса, ўз вужудини ночор танигай. Гарчандк и, зохир бадан осмону замин, ўзга мавжудотлардин бехабардир, аммо ўзлугудин боҳабар бўлгусидир.

Вактики, инсон бу ишларда яхши *тааммул³* килса, охират хакикатидин андек таниганидир.

Сендин бу зохир баданни олурлар ва сени андог ерга элтурларким, на сен фоний ва на ул макон.

Ва билгилки, бир пайт келурки,

Ф А С Л : Рух хакикати

Аммо хакикати рух нимадир ва онинг хос сифатлари нечукдир, буларни баён килмокга шариат рухсат бермайдир. Ушбу важхандирки, хазрати Расули алайхиссалом шарх кил мабдирлар. Чунончи, Хак таоло айтибидирким: «Эй Мухаммад,

сендин рух хакида сўрайдилар, айтгил, рух Парвардигори олам амридандир». Бас, Расули акрам соллаллоҳу алайхи васаллам: «

Рух корҳои илоҳий жумласидин ва хожаи олам амридиндир»

⁵

демакдин зиёда рухсат топмабдирлар.

Хар нимарсаки, андоза ва микдор анга йўл топса, ани олами халк атарларким, халк асли лугатда микдор ва андоза маънисидадир. Дил жавхарининг микдори, мохияти йўқдир.

Ф А С Л : Ҳавоси панжгона (Беш сезги)

Билгил, бадан подшоҳ дилнинг мамлакатидир. Ушбу мамлакатда подшоҳ дилнинг турлук анвоъи лашкарлари бордир: Парвардигорнинг лашкарларини ўзидин ўзга киши билмас. Бас, (Аллоҳ) дилни халк килибдир (яратибдир) охират учун ва дилнинг кори - абадий саодат талаб килмокликдир. Ва анинг саодати - Хак таолони танимоклиг, унинг яратиш кудратини ва яратган нарсаларини билмак бирла хосил бўлгусидир. Бу маснуъоти олам⁶ жумласидан, Дил олами ажойибларидир.

Ф А С Л : Илми зохир тасаввувф йўлида хижобдир

Бу мазкур бўлган тақрирдин⁷ дил одамининг шарофати маълум бўлди. Ва тасаввувф

йўлидин хам хабардор бўлдинг. Бас, буларни англадинг,
лгайким, айтибдирлар:
илми зохир тасаввуф йўлида хижобдир.

Бу сўзга инкор килмагилки,
бу сўз
хакдир. Бу
важх бирлаким,
хислар йўли бирла
машгул ва
мустаграк
8
бўлсанг, албатта
хижоб бўлгусидир
9

Бас, дил мисоли хавзга ўхшашдир
ва хавоси панжгона мисоли беш арикга ўхшашдирким, бу ариклар бирла кўнгилга сув
кирар.

Агар
хохласангки,
бу
кўлни
тагидин оби соф чиксин десанг,
тадбири улки,
бу кўлга сув
кирадирган арикларни махкам банд килгил. Ва хавз
ичидаги сувни тамом чикариб, тагини чандон ковлагилки, оби соф чикгай.

Бас, бунга ўхшаш, ул илмлар ойинаи дилга хавоси панжгона йўли бирла хосил бўлибдир,
анга машгул бўлса мумкин эмасдирким, дилни тагидин маърифат чашмаси кушода
бўлгай. Токи ойинаи дилни хавос йўли бирла хосил бўлгон маълумотидин холи этиб,
хавзи дилнинг тагини риёзат тешаси бирла казиса, албатта, маърифат чашмаси очилиб,
ойнаи жаҳоннамо бўлгусидир.

Бас, илми зохир хижоб бўлмогининг сабаби шулки, вактики киши ахли суннат ва
жамоатнинг эътиқодларини тамом билса... бундин ўзга илм йўқдир. Ва агар кўнгилга
хакикат тарафидин *шамим*¹⁰, яъни озгина микдор бўй, яъни баҳра, айтурким, бу мен
билган илм ақидага
мухолифдирким,
бу навъ ишлар ботилдир. Бас, бу навъ кишига хакикат харгиз маълум бўлмас. Ахли
суннат ва жамоатнинг ақидалари оммаи халкни ақидаларидирким, хакикатнинг
колипидир. Айни хакикат эрмас. Ва маърифат тамом улдирким, хакикат ушбу колибдин

намоён бўлгусидир. Чунончи, пўст ичидаги маз мисолидадир.

Ф А С Л : *Ҳак субханаху ва таолони*

танимок баёнида

Ўтган анбиёлар китобларида бу кавл¹¹ маствур¹² дирки, «Аъриф нафсака, таъриф роббака¹³». Ахбор ва осорларда келибдирки:
«Ман арафа нафсаҳу, фа код арафа роббаху»¹⁴

. Хикмат. Аввалги арабийнинг таржимаси улки: танигил ўз нафсингни, танурсен Парвардигорни. Иккинчи Ҳадиснинг таржимаси улки: кишиким, танибдир ўз нафсини, батахкик танибдир Парвардигорини. Бу калималар далилдир мунгаки, нафси одамий ойнага ўхшашдирким, кишики ул ойнага бокибдир, Ҳак таолони кўрар. Бисёр халқдирким, нафслари ойинасига каарлар, Ҳак таолонинг жамолини кўрмаслар. Бас, Ҳак таолони кўрадирган тариқа бирла бу ойнага карамогни билгайсенки, икки важх бирла хосил бўлур. Аввалги важх мушкул ва пўшидарок

¹⁵

дирким,
кўпчилик кишилар ул важхни фахм килолмаслар.

Бас, киши фахмига сигмаган сўзни кilmok Савоб эрмас. Чунончи, калам сиёхни пароканда

килур

ва

жамъ

килур, токи "Бисмиллоҳ" суврати когозда накш боғлагай.

Мунга

ўхшаш фариштаи

муаккаллар

¹⁶

харорат ва

бурудат

¹⁷

,

аносири

арбаъ

18

НИ

жунбушга

келтиур. Когоз

сиёхни

килганга

ўхшаш, аносири арбаъанинг рутубати шаклни

кабул кил

Г

усидир. Убусат, яъни куруклуг ул шаклни саклагувчидир. Чароки, агар рутубат бўлмаса шакл пайдо бўлмас. Агар убусат бўлмаса шакл тўхтамас. Чунончи, калам ангуштлар

19

мададидин харакатга келиб, ўз ишини тамом айлаб, "Бисмиллоҳ" суврати хазонаи

хаёл

20

даги накшга мувофик хавослар муованати

21

бирла когозда суврат бoggади. Мунга ўхшаш аносири арбаъдин харорат ва бурудат харакатга келиб,

фариштаи

муаккаллар

муованати

бирла хаёт ва наботот, балки тамомий мавжудот суврати Лавхул махфуздаги сувратга мувофик жаҳон майдонида жилвага келур. Чунончи, банданинг килур ишлари аввал дилда пайдо бўлур. Чунончи, одам кори дилни ораста килса, бадан мамлакати тадбирини хўблик бирла килур.

ФАСЛ : Одамийнинг саодати бандаликда

эрканининг баёнида

Хазрати Хак субханаҳу ва таоло маърифатининг шархи дароздирким, бу китоби мухтасарга сигмас. Мунчалик шарх кифоятдирким,
толибга

тамоми

маърифатга

завқ-иштиёк пайдо килмокга. Одамийни тамоми саодати Хак таолонинг маърифатини
КИЛМОК

ва анга ибодат ва бандалик килмокдир. Сабаби улким, вактики, одам вафот этса Хак
таолодин ўзга анга холрас колмас

22

.

«*Илайхи-л-маржиъу вал масийру*». Яъни, кайтиб борадирган ер Хак таолонинг
даргохидир. Хар кишининг кароргохи
з дўсти ва маҳбуби хузуридадирким, дўстлиги канча зиёдадир, саодати андин зиёдарок
бўлгусидир. Бас, Хак таолонинг маърифатини хосил килмагунча ва анинг зикрини тўла
этмагунча, Хак таолонинг мухаббати анинг
дилига жо бўлмас...

«МУКОШАФАТУ-Л-КУЛУБ»дан

Нафс тарбияси

<...> Эй инсон, билиб кўйки, доим ёмонликни хохлаб турадиган НАФС сенга шайтондан
хам душманроқдир. Шайтон, нафсингнинг хою хаваси билан бўйнингга миниб олиб, сени
Аллохнинг йўлидан чикариши мумкин. Нафсинг эса сени бехуда амаллар ва курук
хаёллар билан алдаб кўюр! Чунки *нафс*, табиатан тинчлик-осудаликни, локайдлик,
гафлат ва бепарволикни ёқтиради, умрни танбаллик билан ўтказишни истайди. У доимо
бехуда ва ботил нарсаларга ўралашади. Бехуда кибрга берилади. Агар нафсингдан
мамнун бўлиб, унинг хохишларига юрсанг, манзилинг фалокатдир, ўлимдир. Янглиш
хисоблар ва хом хаёлларингдан хабардор бўлмасанг, охири чўкишинг мукаррардир. Агар
нафс

га «тўхта!» дейишга ожизлик килсанг, у сени ёнгинга олиб боради. У холда асло
яхшиликка кайтиш умиди йўқдир. Нафс балоларнинг боши, разолатларнинг манбаидир.
Шайтон учун гунох хазинаси бўлган нафсни таниган одам Яратганни таний олмайди...

<...> Аллоҳ жонлиларни уч тоифада яратган:

1-малаклар: Аллох малакларга факат акл берган, доимо хою хавасга майл килинадиган нафс бермаган. Демак, малакларда гунох килишга мойиллик йўк.

2-хайвонлар: Аллох хайвонларга биз тушунган маънода акл бермаган, факатгина нафс берган.

3-инсонлар: Аллох инсонларга хам акл, хам нафс берган, Шундай бўлгач, инсон зоти учун энг катта хатар медадан ва ейиш-ичиш хирсидан келади. Одам ила Хаво - уларга Аллохнинг саломи бўлсин – меданинг хирси туфайли жаннатдан кувилиб, хорлик ва йўклик майдонига отилгандилар. Чунки Аллох уларга мева ейишни таъкиклаганди.

1. Кимнингки нафси аклдан голиб келса ва шу нафсининг хавои истакларига кўра хаёт кечирса, у хайвондан хам тубанрок, яъни хайвонлар ундан яхшироқдирлар.

2. Кимнингки акли нафсидан голиб келса ва хаётини Аллох ўртага кўйган ахлок асослари доирасида ўтказса, у малаклардан хам устундир.

Нафснинг хавои истакларига бўйсунган одам, агар у хукмдор бўлса, кул ахволига тушади. Нафснинг хавои хавасларига карши бориб, сабр килган одам эса, кул бўлса хукмдор бўлади...

<...> Нафс билан кураш борасида Аллох буюради: «Биз Аллох йўлида курашувчи кишиларга албатта ўз йўлларимизни кўрсатамиз. Шубҳасизки, Аллох хар кайда яхшилик килувчилар билан биргадир»¹.

Бир куни Пайгамбаримиз марҳамат килдилар: «Энг фазилатли жиход нафс тарбияси учун килинадиган жиходдир».

Жанглардан кайтган сахобалар, хаммаларидан Аллох рози бўлсин, дер эдилар: «Биз кичик жиходдан кайтдик, катта жиходга келдик!» Улар шу пайтгача олиб борган барча

курашларини кичик жиход, нафс тарбияси учун курашни гўзал ва ахлокли бўлиш учун олиб борган катта жиход дер эдилар.

Нафс инсонни хар доим тўгри йўлдан оздириши мумкин, шу боис у билан тинимсиз курашиш керакдир. Нафс ва уни васвасага солувчи шайтон эса кўзга кўринмайди. Кўриниб турган душман билан олишиш кўринмаётган душман билан олишишга караганда осонрокки, буни айтиб ўтиришнинг хожати йўк. Яна васвасачи шайтон инсонда ўзига ёрдамчи топади. Бу нафснинг хавои орзулариdir.

Агар шайтон ва нафс, инсонни йўлдан оздирса, у киши Аллохнинг азобига дучор бўлади. Айнан бу борада бир хикматли сўз бор, айтадиларки: «Кай жангчининг оти жангоҳдан кочса, душманинг кўлига тушади. Вале, кимнинг иймони ўзидан кочса, Аллохнинг азобига учрайди. Иймонни кочирмаслик учун Аллохга сигинамиз. Душманга асир тушганинг балки кўли bogланмас, oёгига киshan урилмас, оч-ялангоч колмас. Лекин ким иймонини кочирган бўлса, Аллохнинг газабига учрайди, юзи кораяди, кўли бўйнига bogланади, oёгига оловдан киshan урилади, eйдигани, ичадигани ва киядигани оловдан бўлади».

ИЛМУ-Л-ЯКИН, АЙНУ-Л-ЯКИН

<...> Савол: Илму-л-якин билан айну-л-якин орасидаги фарқ нима?

Жавоб: Бу Саволга бир неча тарзда жавоб кайтариш мумкин:

1. Илму-л-якин пайгамбарликлари сабабли пайгамбарга оиддир. Айну-л-якин эса фаришталарга оиддир. Чунки улар Жаннатни, Жаханнамни, Лавхул Махфузни, Каламни, Аршни ва Курсини айнан кўрадилар ва мушоҳада этадилар.
2. Илму-л-якин тириклар учун, айну-л-якин эса ўликлар учундир. Чунки тириклар

инсонларнинг ўлганини ва ўликларнинг хам кабрларда эканликларини биладилар. Лекин кабрда нима ахволда эканликларини билмайдилар. Холбуки, ўликлар кабрларни айнан биладилар ва мушохада этадилар: кабрлар, ё жаннат богларидан бир бог, ё жаханнам чукурларидан бир чукурдир.

3. Илму-л-якин киёматни билмоқдир. Айну-л-якин эса киёматни ва киёматнинг даҳшатини айнан кўрмок ва мушохада этмоқдир.

4. Илму-л-якин жаннатни ва жаханнамни билмақдир. Айну-л-якин эса буларни айнан кўрмак ва мушохада этмақдир...

ТАВАККУЛНИНГ ФАЗИЛАТИ

Таваккулнинг фазилатини билдирувчи оятлардан бири:

- Албатта, Аллоҳ ўзига суюниб (иш килгувчиларни) севади. Бу кандай маком, бу кандай даражадирки, унга эга бўлганларга Аллоҳнинг муҳаббати борлиги билдирилмоқда, Аллоҳнинг коникишини ўз ичига олгани (Аллоҳнинг коникишига сазовор бўлиши) маълум этилмоқда, у холда бундан каттарок бирор маком бўлиши мумкинми? Билиб кўйинг, бу маком таваккул макомидир. Кимки, Аллоҳ унинг учун етарли эканлигини, Аллоҳ уни севишини ва ўз панохида асранини айтиб юрса, албатта, катта бир нажотга эришгани хакдир. Зоро, севилган киши жазоланмайди, сургун килинмайди, камокка олинмайди...

<...> Таваккул ва асбобга тавассул² мавзуида жуда мухим нукта бор: У эса шундан иборат: Ризк таъминоти учун ишланади ва асбобга тавассул этилади. Лекин баҳоналар деганда хар нарса тушунилавермайди. Ризкка баҳонаи сабаб бўлган нарсаларга асло эътибор берилмайди, уларга боғланилмайди ва уларнинг тепасида туриб олинмайди. Ризкни такдир этган Аллоҳдир. Шундай бўлгач, кишининг кўз тиккан жойи, ризк сўраладиган илохи фактат Аллоҳ бўлмоги керак...

"ИХъа ал-улум ад-дин"дан

Илмда сўфийлар ва сўфий

бўлмаганларнинг фаркига доир

Сўфийларнинг йўли назарий уламоларнинг йўлига зиддир. Сўфийлар хакикатдан илм тахсили ишига киришмайдилар. Олимларнинг борлик хакикатлариға доир килган ишларини ўрганиш ёки бу масъалаларни тадқик этишга хам мутлако аралашмайдилар. Улар(нинг) фикрига кўра, тарик зид, ёмон, ўртамиёна нарсалардан кутулиш, дунёга алокадор барча ришталарни узиб, факат Аллоҳга боғланиш билан «ички кураш»га ахамият беришдир. Шу нуктага етиб ўзини бир колипга согланган инсонга Аллоҳнинг раҳмати сочилади, малаклар сири очилиб, хакикатлар зохир бўлади. Толиб киладиган иш нафсни поклаш, факат рухга йўналиш, самимий иродадан билан харакат килиш, сувсизликдан кийналиш билан Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлишдир. Жаноби Хак унга нурини туширади. Валий ва Пайгамбарларга илохий сирлар очилади: уларнинг рухлари эришган кудрат билан камолот воситасида саодат топадилар. Бу амал илм тахсили билан эмас, факат зухд фид-дуня

¹ бўлиб, унга алокадор барча ришталарни узиш ва бутун хаёлни Жаноби Хакка йўналтириш билан бўлади. Хакикатдан, ўзини Тангрига берганга Тангри хам Ўзини беради.

Мен бу йўлга киришга самимий истак хис килганимда, аввал сўфийлардан бири билан маслаҳат килишга карор килдим ва унга давомли тарзда Куръон ўкиш хусусидаги фикрини сўрадим. Устоз бунга каршилик билдириб шундай дедилар: Ягона восита бутун

дунёвий алокаларни узишдир: шундай бўлсинки, ота-она, фарзанд, мансаб, ватан, илм, обрў хеч бири калбингни машгул килмасин. Яна шундай холга тушасанки, айтиб ўтганларимизнинг хаммаси борми, йўкми фарксиз бўлиб колади. Сўнг бир хилватга чекиниб, тамоман ўзингни ибодат ва дин хизматига берасан. У ерда калбинг хамма нарсадан фориг бўлиб, бутун диккатинг Жаноби Хак

зикри

ила

машгул

бўлади.

Аввалида

тилинг

доимий

Аллох номини зикр килиш билан банд бўлади: уйгок шуур ва онг билан «Аллох, Аллох» дейишдан тўхтамайсан. Сўнг шундай бир холга келасанки, тилинг тўхтамаса хам яна такрорланиб кетаверади. Ортиқ тилнинг хар бир ахамияти колмагунга кадар бу ишда давом этасан, нихоят, тилинг айланмаса хам рухинг ва калбинг зикрда давом этади. Калбингда шу сўз маъносидан бошка хеч нарса колмагунга кадар мунтазам зикр этасан: сўзнинг харфлари ва шакли тамоман калбингдан ўчиб кетади, факат соф маъниси бенуксон ва акс холда колади. Сенинг хохишинг шу ергача бўлади: у ёғига ўтиш фактат сени бехузур киладиган тушунчалардан воз кечиш оркалигина мумкинлар. Шундан сўнг ихтиёринг кўлдан кетади, факат зухур бўладиган фатхларни кутишгина колади. Бу фатхлар авлиёларга келиш билан бирга пайгамбарларга зохир бўлувчиларнинг бир кисми хамдир. Бу гўё шамолдек елади ва тўхтамайди. Кечикиши мумкин, аммо яна келади ва ёки колиши хам мумкин ёки кўриниб кочади. Агар колса, бу узокка чўзишлиши мумкин. Ва бундай фатхлар бирма-бир зухур бўла бошлайди. Булар бир хил бўлмайди. Бунга алокадор тарзда бутун яралмешлар ва уларнинг сифатлари бир-биридан фаркли бўлиб, Аллох валийларининг мартабалари хам чексиздир. Мана шу сўфийлар йўлидир.

Инсонларнинг карашларига кўра, бу гўзал бир поклик, софлик ва жило, кейин эса хозирлик ва кутишдир.

Дунёвий олимлар бу йўлнинг мавжудлигини, унинг гояларини, авлиё ва анбиёларнинг бу юксак даражаларини мутлако инкор кила олишмайди. Аммо улар бу йўлни гоят мушкул ва максадга узок деб билишади. Ва дунёвий ришталарни бу даражада узишни хам имконсиз деб ўйлашади, шундай бўлса хам давоми гоят йирок бир эҳтимол деб билишади. Уларнинг фикри билан хам ишни чалкаштиришинг мумкин. Бу холосага кўра, инсоннинг мижози ўзгарувчандир, акли хам заифлашиши мумкин, танаси хам хасталанади ва тушкунликка хам тушиши мумкин. Инсон аник далилларга таянувчи билимлардан хабардор бўлмаса, аклига келган хаёлларини хакикат деб ўйлайди.

Канчалаб сўфийлар узок йиллар ўзларини куткара олмасдан шундай хаёлларга асир бўлиб колган. Агар илмда соглом билимларга эга бўлмасалар эди, албатта, бундан кутулишарди. Шу холда энг тўгри йўл уларнинг мезонларини тафсилотли далиллар билан ўрганишdir. Бу иш инсоннинг максадига нафсни поклаш йўлидан-да ишончлирок тарзда етказиши мумкин.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) мухаккак хеч бир гайрат сарф килмасдан тарбия килинган бир нафсга эга эдилар. Аммо факат риёзат йўли билан шундай даражага эришиш бехудадир. Шу холда мумкин бўлган бутун кучни сарф килиш киёслаш ва тадқик килиш йўли билан хакикий илмларни ўрганиши керак.

Аввало, ўрганилиши керак бўлгани эса аждодлар томонидан ўрганилган билимлардир. Кейин эса илохият соҳасидаги олимларнинг тадқикотлари билан ўрганилмаган хакикатларга интилишда хеч бир тўсик бўлмайди. Зоро, хануз инсонлар учун номаълум бўлган нарсалар кўп. Иккала томон ўртасидаги фарқ хам мана шудир.

Шу ерда бир мисол келтириб ўтмокчиман, бу хикоя аклий хакикатларни эгаллаш учун аник нарсаларга эхтиёж сезувчи ожиз акллиларнинг тушунишини кулайлаштиради ва икки тарафни ажратиб турган фаркнинг мохиятини юзага чикаради.

Хикоя киладиларки, хитойлилар билан юнонлилар мусаввирилик санъатида кирол хузурида бахслашиб колишибди. Кирол уларга тасвирлаш учун бир оролни берибдики, бунинг бир томонини хитойлилар, бир томонини юнонлилар чизишсин ва бир-бирларига карамасликлари учун ўртага парда хам тутишибди.

Иш битгач, парда олинади ва иккала томондан кай бири устунлиги кўрилади. Шундай килинибди, юнонлилар ўз жойларига жимжимадор безак ва ажойиб накшлар чизишибди.

Хитойлилар хам парданинг у томонида туриб, умуман, ранглардан фойдаланмасдан деворни силликлаб жило беришибди. Атрофдагилар хитойлиларнинг мутлако ранглардан фойдаланмаганликлари учун хайратланиб туришарди. Юнонлилар ишларини битиргач, хитойлилар «биз хам битирдик» дедилар. Томоша килаётганлар: «Кўлингизда бўёклар йўқ эди-ку, бирор нарса чизмадинглар хам, кандай килиб битирдик деяпсизлар?» дейишди. Хитойлилар: «Ажабланманглар» дея жавоб беришди. Пардани

кўтаринг даъвоимиз тўгри эканлигини кўрасизлар. Пардалар кўтарилиди ва кўрилдики, хитойлилар деворида юонлилар чизган барча суратлар аксланиб турибди. Зеро, хитойлилар девор юзини шунаканги тозалаб ишлов беришгандики, гўё ойнадек. Девор юзи шунаканги биллур шаффоф холга келгандики, юонлиларнинг машаккатлар билан изишишган суратлари худди шу шаклда аксланиб турарди.

Фараз килингки, нафъе илохий илмлар тасвиrlанувчи бир жой бўлсин. Буни куйидагича тушуниш мумкин. Биринчидан, юонлилар чизгандек айнан тасвиrlаш оркали, иккинчидан эса, четдан сурат оладиган даражада тайёрлаш. Бу ерда ташкари «Лавхи Махфуз» ва нафслар хам фаришталарнинг нафсидир.

Зеро, булар хакикий илмлар тасвирини тўгридан-тўгри ва доимий кўрмокдалар: гўё Куръони каримни тамоман ёд олган такдирингизда, калбингизда кўз билан кўриладиган, кўл билан тутиладиган шакллар бўлмаса хам зехнингизга накшланса айни шу хол юз беради.

Нафсини кўл билан тутиладиган нарсаларга банди килиб, ўзларини куткара олмаган заиф кимсаларга бизнинг бу фикрларимиз маъкул келмасликлари мумкин...

ҲАКИМ САНОИИ

(1080-1140)

Абул Мажид ибн Одам Санойи Газнада тугилган. Маъсудшоҳ III даврида сарой шоири

бўлган, Шайх Юсуф Хамадоний таъсирида суфийлик йўлини тутган. Хаж зиёратини ўтаган. Балх, Сарахс, Хирот, Нишопур, Хоразм ва Богдодда сафарда бўлган. Газнада вафот этган.

Асосий асари “Хадойику-л-хакойик” (“Хакикат боғлари”) суфийдик комуси сифатида тан олинган. “Девон”ида суфиёна шеърлар талайгина. Бундан ташкари “Мухаббат китоби”, “Акл китоби” каби достонлар ва “Аллоҳ кулларининг манзилига кайтиш йўллари” асари Гарбда хам машхур бўлган, айтишларича, Дантенинг “Илохий комедияси” мана шу асар таъсирида ёзилган. “Хадойику-л-хакойик” Фарииддин Аттор ва Жалолиддин Румий асарларига асос бўлган.

Айтишларича, авваллари Саноий шоирликни пайгамбарлару валийлар билан тенг деб биларди. Аммо бир куни бу фикрига ўзи шубхаланиб колди. Ўйладики, “Менинг факат исмимда улуглик бор холос, ўзимда эса хеч бир фазилат йўк, бундай исмга хам мен лойик эмасман”. Саноий мана шу кайгусини дўсти ва хомийси Хожа Ахмад ибн Масъудга айтган эди, у эътиroz билдири ва деди: “Мухаммад расулуллоҳ айтганларки, одамларга очик юз билан караш хам садакадир. Аммо Саноий пайгамбарнинг бошка хадисини келтирди: “Яхши, савоб ишлар килган ёки илми билан бошқаларга фойда етказган ёки ўлимдан сўнг уни дуо киладиган яхши фарзандлар ўстирган одамларгина охиратда нажот топадилар”. “Менда эса бу айтилганларнинг хеч бири йўк”, - деди Саноий фикрига хулоса ясаб. Хожа Ахмад шоирга эътиroz билдириб деди: “Сен ўзингдаги фазилатларни кўрмайсан! Сен кўп хайрли, савоб ишлар килгансан. Кўчангдаги одамлар сенинг чехранг бўстонида очилган гулларни кўриб севинадилар. Сен яна сўзинг билан, шеърларинг билан одамларга фойда етказасан, илм-маърифат берасан, бу хам катта савобдир. Сенинг фарзандларинг – шеърларингдир. Бундай шеърлар жисмоний фарзандлардан кўра яхшироқдир”.

Шундан сўнг Хожа Ахмад ибн Масъуд шоир Саноийга барча авлодлар учун фойдали бир достон ёзишни таклиф килади. Достон битгунича, шоирни рўзгор ташвишларидан куткариб, егулик ва кийгулик билан таъминлади. Шу тарика хикоят ва ривоятлардан иборат “Хакикат боғлари” достони дунёга келди.

АБУЛ МАЖИД САНОИИ

“ХАДОИИКУ-Л-ХАКОИИК”дан

Фил хакида кўрларнинг фикри

Тоглар ортида факат кўрлар жамоаси яшайдиган бир шахар бор экан. Бир куни буларнинг якинидаги йўлдан хорижий подшох шон-шавкатли лашкари билан ўтиб кетаётиб, шу атрофга вактинча кўниб, чодирларини тиклабди. Подшохнинг кўшинида кўп жангларда душманларни кийратган бир жанговор фил хам бор экан. Филнинг овозасини эшигтан кўрлар жамоаси у кандай хайвон эканлигини билиб келиш учун тўртта кўрни вакил килиб юборибди.

Кўрлар умрида филни кўрмаганлари учун кела солиб, хайвоннинг турли жойларини пайпаслаб, ушлаб кўришибди. Биттаси филнинг оёгини, биттаси – хартумини, биттаси – кулогини, биттаси белини ушлаб кўриб, филнинг кандайлигини билдим, деб ўйлабди.

Вакил кўрлар ўз жамоасига кайтганида шахар ахли йигилиб, фил нималигини тезрок билгиси келиб, сўраб-сурештирибдилар.

Филнинг япалок катта кулогини ушлаб билган кўр:

- Фил япалок бўлиб, кигизга ўхшаркан, - дебди.

Филнинг хартумини ушлаган кўр:

- Фил – узун, эгилувчан ичакдай ичи бўш, лекин жуда кучли нарса экан, - дебди.

Хайвон оёгини ушлаган кўр:

- Фил устун каби йўгон ва мустахкам бир нарса, - дебди.

Кўрларнинг хар бири ўзи билган кисмни айни хакикат деб билиб, катъий ишонч хосил килибди. Хеч бири филни бус-бутун тасаввур килолмагани сабабли у хакда айни хакикатни билолмабди. Чунки хакикий билимни кўзи (калб кўзи) очикларгина билади. Илохий оламнинг бир бутунлигини билиш хам (калб кўзи) кўрларга насиб этмайди¹.

Туянинг бўйни нега кийшик?

Бир одам кирда ўтлаб юрган туяни кўриб, “Нега бўйнинг кийшик?” деб таъна, дашном бериди.

Туя бундай жавоб бериди:

- Эй, одам, сен менинг бўйнимни ўтаб юрганда эмас, чўлда йўл босаётганимда накадар тўгрилигини кўрасан. Камон хам ўкни узокка етказиш учун каттик эгилади.

Бу сухбатни эшитган учинчи одам деди:

- Окил одамларга кийшик бўйин хам гўзал кўринади ва окиллар хеч качон кийшик бўйинга таъна килмайдилар ².

Гилай кўзга кўш кўринар

Бир одам дўстига тушунтиради:

- Гилай кўзли одамга бир нарса иккита кўринади.

Дўсти унинг бу фикрига ишонмади ва ўзи бир гилай одамни топиб сўради: Гилай аввалги одамнинг фикрини рад этиб, деди:

- У бекор айтибди, биз нарсаларни тўгри кўрамиз. Бизга осмондаги Ой тўртта бўлиб кўринмайди-ку?

Хакикатни билишни истаган одам шу хulosага келдики, хар ким хаётда нарсаларни ўзича кўрар экан. Хак таоло одамларни турлича караш билан яратган экан. Бунинг хикматини одамзоднинг акли билан билолмас экан.

Халифа Умар ва болалар

Бир куни халифа Умар йўлда бораётиб, бир тўп болалар ўйнаб турганини кўрибди. Халифани кўриб, болалар хар томонга кочиб кетибдилар. Факат бир бола кочмай тураверибди.

- Нимага сен кочиб кетмадинг? – деб сўрабди халифа ундан.

Болакай жавоб берибди:

- Эй, мўминлар амири, нима учун кочаман? Ахир сен золим эмассан, мен ўгри эмасман-ку. Айби йўқ одам кочиб нима килади.

Халифа Умар боланинг зийраклигига койил колибди ва уни ўз тарбиятига олибди. Бу бола кейинчалик машхур лашкарбоши бўлиб етишган Абдуллоҳ ибн Зубайр экан.

Соҳта ошик

Бир одам айтар эди: Ишкнинг кўзи кўрдир, ошик жинни, мажнундир, у акл-хушга келса ишкидан айрилади. У фикрини куйидаги хикоят билан далиллар эди.

Бир ошик хар куни маъшукасини кўриш учун Дажла дарёсини сузиб ўтар экан. Аммо у бир куни маъшукасининг юзида бир дог борлигини кўриб колибди. Сўнг у дарёдан яна сузиб ўтаётганида маъшукасининг юзидаги дог хакида ўйлаб, жасорати тугабди ва чўкиб кетибди.

Чин ошик ишқда хаёлини бошка нарсага чалгитмаслиги керак. Бир гўзал севгилисини ишқда вафодорлигини синаб кўриш учун бундай дебди:

- Эй йигит, мен унчалик чиройли эмасман, опамнинг гўзаллигини бир кўрсанг эди...

Йигит кизнинг опаси кандай экан, деб у ёк, бу ёкка караган экан, унинг ишки чин эмаслиги билиниб колибди.

Беш кунлик дунё

Одамлар абадий яшайман дегандай, хар дакика келиб колиши мумкин бўлган ўлимни ўйламайдилар.

Хатто Хак таоло мархамати билан 950 йил яшаб, тўфонда жон саклаб колган Нух пайгамбар хам умр кискалигидан нолиган экан.

Лукмони хаким Нух пайгамбарнинг ўша сўзини эслаб, минг йилдан ортиқ яшаса хам, уй-жойини мустахкам, пишик, пухта килиб олмаган экан.

- Нима учун бу вайронангизни тузатиб олмайсиз? – деб сўраганларга у:

- Беш кунлик дунёда мен учун шу уй хам бўлаверади, ўзи яхши, - деб жавоб килар экан.

Бу – хакикий жамоа эмас

Хулафой рошидиндан бири хазрат Умар бир куни шахар айланиб юрганида бир жамоани учратиби ва сизлар кимсизлар? – деб сўрабди.

Жамоа ахли “Биз ўзаро ахил, хамжихат, бир тан, бир жон жамоамиз”, дебдилар.

Хазрат Умар бундай савол берабди:

- Хар бирингизнинг мулкингиздан кўпчилик фойдаланадими ёки хар ким ўз мулкидан ўзи фойдаланадими?

- Бизда хар ким ўз маблагини саклайди. Кимда канча динор ва дирхам борлигини биз билмаймиз ва билишни хам истамаймиз.

Халифа Умар бир оз ўйланиб туриб, деди:

- Сизлар ахил жамоа эмас экансиз, ишларингиз чаток. Агар сизларда олтин, кумуш – динор ва дирхамлар умумий бўлиб, бирор жуда бой, бирор жуда кашшок бўлмасайди, хар ким умум бойлигидан bemalol фойдалана олсайди, сизни ахил жамоа дейиш мумкин эди.

Тилда ва дилда

Уч мусулмон Рум урушига бориб, тез орада душманга асир тушиб колибдилар. Рум

кайсари вакиллари оркали уларга шарт кўйибди: “Агар ислом динидан юз ўгириб, масихийликка ўтсангиз, омон коласизлар, акс холда, сизларни катл этамиз” дебди.

Асир жангчилар бу таклиф ва фармонни эшитиб, ўзларича ўйга толибдилар. Асир тушган жангчилардан бири аввал факих бўлиб, шариат конунларини (ахкомларини) яхши билар экан. У ўйлаб кўриб, “Мен дилимда эмас, тилимда ўз динимдан кечсам, омон коламан, бу гунох бўлмас”, деган хулосага келибди.

Учинчи жангчи хазрат Али авлодига мансуб саййидлардан экан. У ўйлабди: “Мен вазият такозоси билан тилимда динимдан воз кечсам, маҳшар куни буюк аждодим менга шафоат килар”.

Учинчи жангчи ўз умрида кўп гунох ишлар килган безори одам экан. У сафдошларининг фикрларини эшитиб, ўйга толибди ва дебди:

- Менга хеч ким шариат ахкомларини ўргатмаган, хеч бир кариндошим мени химоя килмайди. Шу сабабли мен динимдан воз кечмайман ва ўлимимга розиман. Охиратда хеч бўлмаса шу ишим – динимдан кайтмай ўлиб кетганим учун менга раҳм килишса керак. Минг-минг гунох билан яшаганимдан кўра битта савобли амал билан яхши ном чикариб, ўлганим яхши!

Учала асир жангчи ўз айтганларини килибдилар. Булардан кайси бири охиратда најот топишини фактат Хак таоло билади.

ФАРИДИДДИН АТТОР

(1136-1250)

Асл исми Абу Хамид Мухаммад ибн Абубакр Иброхим бўлиб, "Фариидиддин" (Диннинг яго наси) унга берилган тавсифий унвондир. Нишопур якинидаги Шодяҳ кишлогида туғилган. Шайх Мажидиддин Богдодий, Шайх Рукниддин сингари сўфийлардан таълим олган. Хаж сафарини ўтаган, Миср, Ирок, Шом мамлакатларининг турли шахарларида саёхатларда бўлган.

Кўплаб шеърий асарлар, манзума ва достонлар битган. Давлатшоҳ Самаркандийнинг "Тазкирату-ш-шуаро" асарида унинг шеърий асарларининг хажми 250 минг байтга якин деб кўрсатилган. Асосий илмий-фалсафий ва тасаввуфий руҳдаги асарлари "Илохийнома", "Асрорнома", "Мусибатнома", "Хайдарнома", "Мазхару-л-ажойиб" («Мўъжизаларнинг кўриниши»), "Жавхару-з-зот", "Хайлож", "Мухторнома", "Уштурнома" ва бошкалардир. Булардан ташкари Атторнинг тўқсон олти нафар машхур сўфийлар хаёти ва холоти зикр килинган "Тазкирату-л-авлиё" номли асари мусулмон шаркида энг кўп таркалган китобларидан хисобланади.

Фариидиддин Атторнинг машхур тасаввуфий асари "Илохийнома"нинг дебочасидан ва достоннинг бошланиш кисмидаги "Рухга мурожаат..." каби бўлими хамда «Жавхару-з-зот» асаридаги айrim лавхалардан намуналар сайлаб олинди.

«ИЛОХИЙНОМА»дан

Хамди бехад¹

Тангри таоло номи-ла бошладим "Илохийнома"ни, барча номалар маъноси Унинг номи-ла безанур. У шундай улуг зотки, мулки завол билмас. У ҳакда сўзлагувчининг акли хираланиб, тили лол бўлур. Унинг номи номларни шарафлаб, дилларга шодлик багишлар, *девонлар мундарижасининг боши²* хам шу ном. Бу номдан жонларнинг оғзи шарбатга тўлар, Уни ёдга олувчининг тили дирру гавхар сочар. Унинг номисиз бирор нарса йўқ, барча мўъжизалар, хушбўй хидлар, рангин манзаралар, кудрат ва сифатлар, шаъну шараф, ору номус шу номданdir.

У шундай кудратли олий Тангрики, барча борлик Унинг олдида пастdir, Унинг зоти илму донишимиз, таъриф-тавсифларимизга сигмас, бас, кандай килиб Унинг шарху таърифини келтирай! Сунъ кудрати кўли билан тупрок маркази бўлмиш Ерни коптокчадай (гўй) килиб фалак чавгони айланасига солиб кўйибди. Хеч кимнинг акли ундан юкори эмас, нечунким, хеч ким Унинг гайби асрорини билувчи эмас. Дунёдаги барча ходисалар, ашёлар, кўплик ва озлик, салбий ва ижобийлик, раддия ва тасдиклар Унинг мавжудлигини исботлашга хизмат килади. Бутун олам мунаzzах ва зоти сифатларига мисолдир. Сифатлари Унинг зотидир. Агар синчиклаб карасанг, барча (сифатлар) зотdir. Бутун борликнинг вужуди Унинг ҳазратининг сояси, Унинг кудратининг изи - асари, ижоди, санъати. Сўзни келиштириб айтувчи бир одам Унинг зоти таърифида бундай ажойиб нукта демиш: «Ат тавхид-искотул изофат», яъни тавхид хар кандай ортикликни инкор этади. Зоро, тавхид бутун оламнинг ягоналиги, Унинг зотидан иборатлигидир.

Ха, Унинг зоти билан мавжуд бўлган олам шундай мустахкам вобасталик, ўзаро боғликларга эгаки, сувдаги балиқдан фалакдаги ойгача жами нарсалар бир-бири билан узвий алокадор, лекин кўриниб турган бу дунё Унинг чексиз олами олдида килнинг кора рангичалик кичик бир нарса. У шундай бир улугворликки, хеч нарсага мухтоҷлиги йўқ, бехисоб акл ва жонлар Унинг олдида бош ўйнаб таслимдадирлар. У шундай кудратли харакатки, агар жонга кирса, хар хужайрасидан (заррасидан) минг тўфон кўзгалади. Шундай ажойиб ваҳдат - ягоналики, орага кил хам сигмайди. Ох, агар Унинг хузурида килчалик кадрим бўлсайди кошки!

Унинг марҳамати шундай улугки, агар иблис ундан бир катра баҳра олганида, барча нобакорликларни тарқ этган бўларди. У шундай гайратки, агар оламга таралса, бутун борликни бир лаҳзада бархам эта олади. У шундай хайбатки, куёш унинг соясида йўқолур, балки зарра мисоли кичрайур. У шундай улуг даргоҳки, хизматига ошикканлар хузурига йўл тополмас. У шундайин безавол мулк-салтанатки, абадул абад йўқолмас, эскирмас, вайрон бўлмас, камаймас ва ё зиддиятлардан ёмирилмас. Вокеан, Унда

зиддият, келишмовчилик йўқдир.

Агар гунохкор ва булганган хулкларни бу улуг дарёга солиб ювсанг, дарё заррача кирланмас, хираланмас, лекин бу дарё нуридан жаҳон ёруглик топади. Исмат дарёсидан бир катра халкка таксим этган билан камаярмиди у? Ҳақдан хомийлик ва бандадан тоату ибодат, унс (мехр) ва мухаббат бўлса қандай яхши! Ҳак ва бандаси орасида робита-муомала бўлса қандай яхши!

Бутун оламда сенинг Үндан ўзга ёринг йўқ, нега бошка ишларни бўйнингга оласан, ўзгалардан мадад сўрайсан? Агар ўйингда юзта ошно-дўстинг бўлса хам, мард дарвиш бўлсанг, барини бегона хисобла. Чунки чин дўст Унинг ўзиdir. Агар сенда тогнинг сабрию денгизнинг сафо ва соғлиги бўлса, Дўстга етишиш йўлидаги андух-гамлар осонликча барҳам топажак. Агар ажалдан олдин бир дам ўлсанг, яъни нафсингни ўлдиролсанг - оламни эгаллайсан. У сенга якин, аммо сен Үндан узоксан. Огох бўлиб англагил, эй айрилиқдаги эран, сен Якиндан шунча узоклашдинг, хасратдан калбинг дод, шармандалик бошини тизза устига эгасан. Агар Худо йўлига лойик бўлсанг, хою хавас йўлини тарқ эт. Хою хаваснинг кўзи кўр бўлгач, илохий кўзинг Ҳак сари очилади. Хайратнинг охири кўринмайди, сен хайрат олами ичра гарксан, игнани дарё ичидан топишга интиласан, талпинасан, тўлганасан. Сен жаҳонни икки эшикли робот деб бил - бу эшигидан кириб, у эшигидан чикиб кетасан. Сен гафлат уйкусидасан ва хеч нарсадан хабаринг йўқ. Хохласанг хоҳламасанг, кисмат кўлидасан. Агар гадо ёки подшох бўлсанг хам, икки газ бўз ва тўккизта гиштдир охирги «мулкинг» - дунёдан орттирган матойинг. Сен токи фалак остиласан, озод эмассан. Баҳт ва баҳтсизлик ҳакидаги тушунчаларинг бўш ва бемаъни, ташла бу хаёлларни! Агар мулку бойлигинг еру кўқдан иборат бўлса хам, окибат гадойсан, Худо меҳрининг гадойи. Фоний дунё бамисоли Искандар. Бу фоний дунёдан кетарда Искандардай кудратли шоҳ бўлсанг-да, агар кафан насиб этилса, комронсан.

Эй азиз! Сен шоҳлик хазинасини тиларсан, аммо У раъй килса беради, истаса тортиб олади ёки умуман бермайди. Сен эса бу бойликни У нега берди ва яна нега кайтариб олганини билишинг керак. Бевафо дунёning абадий хурсандчилиги йўқ, нури хам зулматдир. Үндаги тўю томоша мотам ва гамсиз эмас. Агар кумуш хадя этса, тошга айланади, берган оти чўлок, баҳт кушининг каноти кайрилган. Фироксиз висол инсон кисмати эмас, гул тикансиз, шакар эса чивинсиз бўлмайди. Бу оламда мен бегам кишини кўрмадим, шундай одамни кўрганимда эди, этагини ушлаб, тавоф этардим.

Боргил, танингни улуг юқ гами остига кўй (илоҳ гами билан шугуллан), жон чеккил, агар жон истасалар, жонингни бергил. Гўрга кирмасдан бурун чархи фалак бўйлаб, югуришга

кобил мардлик кобилиятини кўрмокчиман сенда. Одам Ато олти юз йил гамдан озод эди, (аммо) бугдой донаси сабаб ерга тушдию кон тўқди. Бугдой донасида юз балолар мавжуд. Шу боис сенинг лукманг гамсиз раво эмас. Мен билан сенинг фойдамиз зиёнга айланди. Тугилганимиз, борлигимииздан минг аттанг, минг афгон! Эй дунё, сенинг жабрингдан бирор шод олам борми? Сенинг давру давронинг, жабру жафоинг хам ел кабидир, елдай бебакодир. Жахл сени деб гам емайди-ку, нега уни деб гам чекасан, хўш? Жаҳоннинг сен каби куёвлари кўп бўлган, байрамлари, келинлик тўйлари бехисоб бўлиб ўтган, лекин хеч бирига вафо килмади...

Мен эса бир умр хамдам маҳрам топиб розлашайин деб талпинаман. Аммо бирорта хамроз, мувофик хамдам тополмайман. Бу мунофик улфатлар дастидан дод! Онадан тупрок учун тугилдинг, бу тупрок тепанинг устида касру айвон куришинг нима тагин! Жонинг тупрокка коришиб, укаланиб кетар экан, айвон пештокинг(ни) фалак пештокига етказишдан маъно борми? Агар олтин-кумушдан хазина тўплаган бўлсанг хам, бир нафас ранжу укубатсиз қултум сувни ичолмайсан. Сенинг гаминг билан бошқаларнинг иши йўк, сен ўз гамингни е, нима дейин сенга, хамдамгина эмас, «хам»нинг ўзи хам йўк бу дунёда.

Агарчи окибат сенинг жойинг тупрок остидадир, лекин пок жонинг тупроқдан покдир (рухинг муқаддасдир). Сенинг гавхаринг - рухинг фаришталар саждагохи эканини унутма. Бошингда халифалик тожи бор, халифа фарзандисан, яъни Аллохнинг ердаги ўринбосарисан. Жаннатдан тушгансан, ўша гулшан - жаннат сари интилгин. Агар Мисрга сафар килсанг, шохлик сеники, нега Юсуф каби кудук тубидасан ахир! Сулаймон ўрнида дев ўтиргани учун ўз мулкингда гапинг ўтмайди. Охирда хам, аввалда хам сен шохсан, аммо кўзинг буни кўриб фахмламайди. Гилайларга ўхшаб, бир сенга икки бўлиб кўринади, юзни икки юз дейсан. Биттами, юзта, аммо унинг ёри юзта, битта кўнгил билан юзта ишни кандай амалга оширасан.

Тўн билан нон гамини ейишинг качонгача, ном-шуҳрат учун, ор-номус учун кайгуришинг качонгача? Аслида ажойиб хилкатинг бор, бехуда фикрлар билан хилкатингни хароб этма, одамийлик ва илохийлик сифатларидан узоклашма, сенинг атлас тўнинг одамийлик сифатингдир.

Эй хаста! Агар донишманд бўлсанг, ўзингга ўзинг эшикни ёп! Одам фарзандининг хирси мунча кўп бўлмаса, мунча хам оламда хайрону саргардон! Эй хирслар билан калб кўзи кўр бўлган киши, хирс оркасидан гўргача борасан, то ўлгунингча хирсинг камаймас, чунки хирснинг ярасига факат ўлим даво бўла олади. Дунё молини фаровон татиб кўрдинг, бунча йигиб нима киласан, хўш? Ахир сен йўловчисан, йўловчи учун мунча юк на хожат.

Худо хакки, йўловчи кўзига дунёнинг барча матохи бир дона арпага арзимайди! Бу пашшахўр ўргимчаклардан дод! Барчаси бўри галаси каби ўлакса устида талашадилар. Чумоли табиатли гийбатчилардан тўйдим, худди чумоли каби на раҳбарлари бор, на ўзлари йўлни кўра оладилар. Бошларида хирсдан юган, хирс уларни оғизларидан кўпик кўпиртириб югуртиради, маст туюдай бўзлатади. Дархакикат, туюнинг югани аркондан, одамники –хирсдан. Бир ховуч суяксан, аммо хирссан. Кўринишда одамга ўхшайдилар, аслида ит табиатлидирлар.

Ёй кеча-кундуз гам чекувчи, хирс йўлида ночор киши, сен Рассокка суюн, иймон-эътиқодда мустахкам бўлиб ишонгил Унга, сабр килиб тинчлан бироз. Факир йўлини танла, чунки факирлик расули акрамдан мерос. Агар сен Аллохнинг факт нурига йўгриссанг, банда бўлсанг хам, Сулаймон кадар шараф топасан. Расули акрам Мухаммад соллаллоҳу алайха ва саллам хокисорлик, тавозуъ ва камтаринликда бемисл эдилар. Ўзлари уй супураг, ўтин ёрат, сув келтирадилар. Туя устида ухлаб олардилар, хамма ишни килардилар, хеч нарсадан ор этмас эрдилар. Ойша билан бирга хушчакчак югурадилар. Масжид курилишида гишт ташиб, лой корардилар. Кафшларини ўзлари тикардилар, гоҳи эса болалар билан кўшилиб ўйнардилар хам. Жанозадан колмасдилар, касал кўришни улкан Савоб хисоблардилар. Халимлик ва хаё кони эдилар...

Бу бизга ибрат эмасми, ахир?

Рухга мурожаат килиб дегани...³

Эй Чиннинг мушкин охуси - рухи кудсий, мушку анбар хидини сочган, сен халифалик даргохининг ўринбосарисан. Сендадир Раббоний рухнинг амри. Рухоний мамлакатнинг асоси сенсан.

Икки

жахон

би

р

х

овуч тупрок, факат дорул мулк фазоси - илохий олам покдир. Бутун оламлар жами сен билан

яшнар,

сен

билан мунтазам, осмону ер сенга вобаста.

Сен хаммани камраб олгансану, лекин биздан

йироксан, кўзга
кўринмайсану, бирок кўзнинг ўзидасан.
Жаннат,
дўзах, киёмат
куни буларнинг барчаси номинг ўрнида келадиган омонат сўз, белги, ташбех, холос. Агар
сен порласанг, бамисоли
МИНГ
куёш
бирдан
ёнгандай
бўлади, йўқ-йўкки, бу порлашнинг хар бир зарраси юз куёшга тенг. Офтобининг
нури
ортиқдан
ортиқдир,
шу
нурдан
бир шуъла - Улуг арш. Хос хамдамсан
,

роздону

4

сирдош,
омий
ва мададкорсан, абад тириксан. Нима дейки, хамиша маълумсан, хар ерда борсан.

Ажойиб бир кушсанки, канака эканлигини билиб бўлмас, бизнинг тушунча-тасаввуримиз,
исботу тасдигимиз, инкору раддиямиздан ташкарисан. На ердасан, на осмонда, балки
Раббул оламин - Тангри таоло хузуридасан.
Хамма нарса сенсан,
аммо хеч - йўклик хам ўзингсан. Кўзга кўринмассан, аммо кўзларнинг нурисан. Кўнгилдан
ихлос билан мушкли нафас чикаргин,
чунки арш сенинг нафасингдан
хос
мижмарга - хушбўйлар
таркатувчи кўрага
айланди.
Сен хам шохсан ва хам халифа,
безаволсан ва бокийсан. Сенинг асосингда олтига белги бор, аммо уларнинг хар бири
бири жаҳон - алохида бир олам. Хар бири - бир сохибқирон, бир кудрат.

Бири *нафс* бўлиб, унинг жойи сезги аъзолариdir.

Бири *нафси аммора* (шайтоний нафс) бўлиб зиддиятлар, нифок шундан.

Бири *аклдир*, у мувофикликни, мантиқни бошкаради.

Бири *илмдир*, маълумот, билим тўплаш билан банд.

Бири *факрдир*, фано-йўклиқ истар хамиша.

Бири *тавхиддир*, Ягона зот истар ва Унга интилар доим.

Ушбу олти кувваи асос Рух фармонидадир, Рух *мутлакиятнинг⁵* азалий ва абадий халифаси ва хамроҳидир. Олам Рух туфайли обод ва файзли.

Рух одамнинг ичидадир, шунинг учун сен ўз ичингга сафар килмогинг керак. Хизир каби мардлар

йўлига кадам кўйгин,

токи айланувчан чархи фалак атрофингда гиргиттон бўлсин. Эй Рух, маконинг

Нух кемаси

⁶

, замонинг эса

"Ва-з-зухо валлайлатул кадр" («Куёш нурларига ва кадр кечасига касам») оятидир.

Сулаймон кудрати сенда, Юсуф жамоли хам сенда. Шунга

муносиб бўл, шунга яраша амал кўрсат. Иброҳим каби содик ва событ бўлгин,

Исадай ишқда дамсозу

Мусодай мўъжизакор бўлгин.

Симруг

⁷

сингари канотларингни ёз, канотларингни Симруг соясида (Тангри соясида) ёзиб парвоз эт! Сехргар хам, яратувчи, мўъжизакор хам ўзингсан. Агар хар ишга жаҳд этсанг

Мустафо бўлур мададкор сенга!

Ўз кўзинг билан бок ўзингга,

сўзга ўралгин

⁸

Дунё одамлардан эмас холи. Икки оламнинг
асоси
Сўздири, чунки
Сўз Хакдан мужда бўлиб келди. Ахир арши аълода битилган
"Лавхул махфуз
" хам Сўздири. Хамма нарса
Сўздан ижод этилган ва Сўзга кайтади
...

Хотимату-л-китоб

Аттор сўзини тингла, Аттор шеърини ўки. Менинг шеъримнинг денгизи киргокларга
урилиб, тошиб чикди, ундан чашмалар отилиб чикди. Бу чашмалардан нур базмлари
яралмишдир, бу ишк ва маърифат нури бўлиб, киёматга кадар ушбу шеър чашмалари
окиб туради. Аттор «Илохийнома»сини кўкда малаклар, жаннатда рухлар мутолаа
килади. Чунки менинг шеърим барчаси пок тавхиддир. Шунинг учун уни ахли тавхид ўкир
экар, ажабланма. Илохий хазина эшигини очиб, «Илохийнома»ни бунёд этдим. Ахир мен
гайбдан bonaсибман, нега энди бечоралар, ожизлар каби бандга гирифтор бўлай?

Эй Аттор, сўзинг одамлар калбига гулгула солсин, гофилларни огох этсин, мудрокларни
бедор килсин, шарафлиларга шараф багишласин!

«ЖАВХАРУ-З-ЗОТ»дан

Ба номи, он, ки нури жисму жон аст,

Худои ошкороу нихон аст.

(Жисм ва жоннинг нури бўлган зот номи билан, ошкора ва яширин бўлган Худо номи билан бошлайман).

<...> Агар сен тавхид хилватхонасига маҳрам бўлсанг, оламнинг тожи, Одам фарзандлар иниңг фахри бўлиб коласан. Агар хуршид, яъни Тангри ошкор бўлса, сен соя бўлгин, чунки соя каби куёш нурида йўколиб, маҳрам бўласан унга...

Сенинг ичингда жавхар¹ - Мутлак рухнинг сири бор, аммо бу ерда сенга йўл кўрсатувчи йўқ.
Охирида йўкотган нарсанг сенинг ўзингдадир, бу зохирий сирлар бандига гирифтор бўлгансан. Сен Холикнинг зоти ва сифатлари жавхарига эгасан,
аммо зотининг дийдоридан узоксан. Сенинг жавхаринг барчаникidan афзалдир. Ажабки, фалак ва юлдузлар сенинг кўзларинг - дийдангдир, уйнинг ичидасану эшикдан ташкарисан, хам кўринасан, хам йўксан...

<...> Нега сурат² дардига мубталосан, агар сен суратни ташласанг, кулл³, яъни Худосан. Сен сурат хамрохлигидан кутулсанг, Худонинг маъносидан хабардор бўласан.

Сурат
сенинг хеч бир ишингга ярамайди,
Худо дийдорини жонда (жоннингда)
кўрсатади. Агар суратни синдирысанг,
шак-шубҳасиз, сен Хаксан, иккилик йўколади ва кулл бўлиб, чиндан Хак таолога айланасан. Нима балоларни кўрган бўлсам,
сурат туфайли кўрдим,
кудират-гам ва зулматларим хам ўшандадир...

<...> «Аналхак» - «мен хакман» деган бошни кесди, энди бу достон оғизларда юрибди. Эй дўстим, «аналхак» деган одам Хак бўлди, чунки куллиятни истаб ягоналик кўрсатиб, Хак дўсти бўлди.

«Аналхак» деди ва буни ошкора килди, натижада ўзини пора-пора килди. «Аналхак» деб

бирлик – вахдатдан сўз очди, дархакикат, у Хак эди ва хеч шубҳага бормай деди:
«Аналхак» дея дунёдан ўтди, бунда унинг номи абадий колди!..

<...> Мен бу ерга келган гапирувчи Хакдирман, шунинг учун хар сўзимда *аналхак*⁴ дейман.

Хакикатда мен Хакман бунда, куллият зарраларига тавфик - мувофиқлик, тараккиёт

багишлаш учун келдим. Бунда яширин

равиша

келган Хакман, жаҳон ҳалклари олдида инсоний хилкат - суратда

қўринмокдаман. Мен сирни кўрсатишга келган Хакман, шунинг учун ўз сиримни

айтмокчиман...

<...> Жумла оламнинг жони Аллоҳ мандирман, ишонгин, бунда йўқман, аммо борман. Хак мендирман - Мутлак рух, барчани нг орасида мутлак огохман. Хамманинг вужудида нишонасиз қўринмас вужуддирман, гўё олам ичидан равшан куёшман...

<...> Жузъ⁵ ва кулл ичидан порлаган куёшдай, ўзини сифатлар ичра шундай сингиб, йўқолиб кетгандай кўрдики, пайдо бўлганда хакикатдан айни зотнинг ўзи эди. Ўзини аввалу охир, яъни узлуксизлик холатида кўрдики, бир шаклга айланганлигини сезди. Жон бирликда шундай

кўриндики, сурат - хилкати жон ичидан кўрина бошлади. Яратилишида ўзини шундай холатда кўрдики, барча дийдаларда, кўзларда у бор эди. Ўзини шундай завол билмас зот сифатида кўрдики, юзи барча ашёда турли холатларда кўринарди. Ўзини мана шундай кўрдию, барчани ўзида кўрди, чунки сурати йўколди ва барчани бир – аҳад

⁶

кўрди ...

<...> Жонон⁷ - Худо тавхидида бирликдамиз. Кулл - умумият жавхарининг ягоналиги шаксиз. Тавхидда ягоналик- бирликдан ўзга нарсани кўрмадим. Вахдат - ягоналикни ягоналикдан ягона деб танладим...

Хакикат нима? Жонон - Худони кўриш бунда, сену менликни тарқ этсанг, унда бир бўлаксан, Хакикат нимадир? - тезда бир бўлмок факат, дир каби вобасталик денгизизда

ягона - бир бўлмокдир...

Хакикат нима? Аттор каби бўлиш. Хамиша сирлардан огох бўлиш. Хакикат нима? Эй дўст,
жондан
кеч,
бу дам Атторни кўрдингми, кулл - ўша...

<...> Баракалла Аттор, илохий сирдан кўзга аёнлик кўргаздинг, шу боис сен шохсан.
Маънолар сирига интилиб, густохлик (беадаблик) килишинг хам яхши, сен Хакни
маънолар изхорини кўришинг мукаррар. Жаҳонда сен васлга
етганларнинг тимсоли, гавдаланган шаклисан,
шунинг учун хам бундай сирни аён кила
олдинг...

Сен шубҳасиз *кавну⁸* макондан ортиксан, *айн⁹*дан воз кечсанг, *аъёнда¹⁰* аёнсан...

Васлга етгандан кейин парда узоклашади, маънида у Мансур суратига айланади.

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИИ

(1207-1273)

*Асли ўртаосиёлик бўлган шайх Мавлоно жалолиддин Румий Балх шахрида Мухаммад
Бахоуддин Валад хонадонида тугилган. Жалолиддин ёшлик чогидаёқ отаси билан мўгул
истилоси туфайли Кўниёга кетиб колишга мажбур бўлган. Умрининг охирига кадар шу*

шахарда мударрислик килган, Кичик Осиёни ватан тутгани учун Румий тахаллусини олган.

Румийнинг илмий-адабий мероси форс тилида ёзилган бўлиб, унинг шеърий асарлари, асосан, "Девони кабир" («Улуг дөвон»)га жамланган. Девонда газал, рубоий ва маснавий шаклларида ёзилган уч мингдан ортик шеърлар бор.

Илмий-фалсафий мероси олти дафтардан иборат "Маснавийи маънавий" асаридан ўрин олган, ушбу исломий-тасаввуфий мажмуани "Форсий Куръон" деб хам аташган. Бу асар кариб 10 йил давомида ёзилган бўлиб, Мавлоно вафотидан тўрт йил аввал 1269 йилда ёзиб тамомланган. 27 минг байтдан иборат маснавий шаклида ёзилган бу асарни олимлар дидактик достон (Е.Э. Бертельс), хамосий (эпик) шеърлар мажмуаси (Т.Пурномдориён), ирфоний китоб (Р.Никольсон), тасаввуф комуси (А.Шиммел) каби сифатлар билан аташган. «Маснавийи шариф»нинг катор шархлари мавжуд. Асар мушаррихларидан Обиддин Пошо шархлари машхур.

Булардан ташкири Румийнинг шеърий асарлари "Девони кабир" («Улуг дөвон»)га жамланган бўлиб, унда газал, рубоий ва маснавий шаклларида ёзилган уч мингдан ортик шеърлар бор. "Мактубот", "Фихи ма фихи" («Нимаики Ундадир Ундандир») каби асарлари хам сакланган. Унинг асарлари, асосан, шогирдлари, ўгли ва бошка муҳлислари томонидан жамлангани учун уларнинг хаммасини Румийга тегишли деб бўлмайди.

Жалолиддин Румий номи билан мавлавийлик тарикатига асос солинган бўлиб, унинг ўгли Султон Валад отаси номидан (вафотидан сўнг) тарикат эълон килган.

"Фихи ма фихи" ("Ичиндаги ичиндадир") асарини "Муйиниддин Парвона китоби" хам дейишади. Чунки унинг номи бир неча марта тилга олиниши билан бирга ушбу китоб, асосан, Мавлононинг муhibлари Хисомиддин Чалабий, Сохиб Фахруддин, Амир Бадриддин Гухартош, Отабек Султон Алоиддин, Тожидин Мўътаз Хурносий ва ўгли Султон Валад билан бўлган сухбатларида айтилган фикрлардир.

МАСНАВИИ МАЪНАВИИ

Дебоча

Тингла найдин, чун хикоят айлагай,

Айриликлардин шикоят айлагай.

Мен камиш эрдим, кесиб келтирдилар,

Нола чексам, эл хама ох урдилар...

Чок-чок этсин шу кўксимни фирок,

Сўйлагаймен шархи дарди иштиёк.

Ким йирок тушса, йўкотса аслини,

Ул яна излар хаёти васлини.

Даврлар кўрдим неча нолон бўлиб,

Жуфти бадхолону хушхолон бўлиб.

Хар кишиким бўлди бир дам ёр менга,

Билмади ёрдир нечук асрор менга.

Сиррим эрмас нола-охимдан йирок,

Гарчи нур кўзу карогимдан йирок.

Танга жону жонга тан мастур эмас,

Жон кўринмас кимсага, дастур эмас.

Ўт эрур найнинг навоси, ел эмас,

Кимда ўт йўқдир, йўколсин, эл эмас.

Найни ёндирган ўшал ишқ оташи,

Майни ёндирган ўшал ишқ оташи.

Ёрдин айрилганга най ёрдир, не бок,

Пардаси пардамни этмиш чок-чок...

Най каби бир захру таёк кайда бор?

Най каби дамсозу мушток кайда бор?

Конли йўллардин хикоят айлагай,

Не эмиш савдои Мажнун сўйлагай,

Бўйла хушдир, маҳрами бехуш, бас,

Муштари унга кулокдин бошкамас...

Кунларим тун каърига жо бўлдилар,

Ўртанишлар менга хамроҳ бўлдилар.

Ўша кунлар, гўга, майли, бок йўқ,

Сен омон бўл, эйки, сендеқ пок йўқ.

Ким балик эрмас у конгай сувга, чун,

Кимга кун йўқ, кунлари йилдек узун.

Пухтанинг холини хеч билгайму хос?

Мухтасар этгин сўзингни, вассалом¹.

Бандни ечгил, ечгил озод, эй ўгил,

Гарчи бандинг сийму зардир, кўймагил.

Кўзига жо бўлгуси денгиз, бале,

Бир кунинг ул кўзага сигмас вале.

Кимки очкўз, кўзаси нур бўлмагай,

Тўлмагунча то садаф дур бўлмагай.

Ишқ ила кимнинг якоси чок эрур,

Хирсдин озоду айбдин пок эрур.

Эй, омон бўл, ишк – ажиб савдоимиз,

Эй, табиби хозику доноимиз.

Хар даъвои зохиру ботин ўзинг,

Бизга Жонилус ва Афлотун ўзинг.

Ишк ила тан сойири афлок эмиш,

Ракс этиб тоглар, кўринг чолок эмиш.

Ишк – Тур тогига жондир, ошико,

Тур маству харро Мусо соико...²

Лабларига етсам ул дамсозни,

Най каби мен сочгай эрдим розни.

Кимки бўлгай хамзабонидин жудо,

Безабондир, гарчи дилда юз наво.

Чунки гул кетса, гулистон колмагай,

Сўнгра булбул бирла достон колмагай.

Жумла маъшук эрмиш, ошик пардалик,

Зинда маъшук эрмишу ошик – ўлик.

Кимда йўқдир ишкка бир парво магар,

Ул канотсиз күш эрур, беболу пар.

Хуш нечук бўлгай, карорим бўлмаса,

Кўллагувчи нури ёрим бўлмаса.

Иш истарки, бу сўзни зикр этай,

Ойинам гамбози йўқ эрса, нетай.

Ойинанг бордир, нечун гаммоз йўқ?

Анда занг бўлса, рухи мумтоз йўқ.

Тинглангиз, дўстлар, мен айтай достон,

Филхакикат холимиз бўлгай аён.

Баккол ва унинг тўтиси хакида хикоят

Бор эди баккол, унинг бир тўтиси,

Сабзаранг хам сўзга мохир тўтиси.

Ул дўкон ичра нигахбони дўкон,

Сўз котарди савдогарларга равон,

Сўз котаркан, ўйлаким, нотик эди,

Тўтилар ичра ажигб хозик эди.

Бокмайин учганда сўлу согини,

Тўқди бир гал агдариб гул ёгини.

Кайтди бир пайт уйга кетган хўжаси,

Ӯжаваш ўлтирди бир дам хўжаси.

Кўрди ул, ёг эрди чун хар ён тугал,

Урди тўти бошига, ул бўлди кал.

Неча кундир сўзламокни килди бас,

Ӯжаси чекди надоматлик нафас.

Ул сокол юлкиб, деди: эвоҳ, дариг,

Неъматимни мен увол этдим аник.

Хушзабоним бошига ургунча то,

Кўлларим синсайди, эрмасми раво.

Ёрдами теккайми деб бул ишга,

Хадялар берди неча дарвишга.

Кечди уч кун, ул эса хайрону зор,

Үлтирап эрди дүконда интизор.

Турфа-турфа нарсаларни кўрсатиб,

Аврар эрди кушни, сўз котгайми деб.

Ўтди бир дарвешки, ул жавлакка³ хос,

Бошида йўқ эрди бир тук, худди тос.

Тилга кирди куш уни кўрган замон,

Кўз солиб дарвешга деди: эй фалон.

Не гунох килдингки, бошинг бўлди кал,

Ёки сен хам ёгни тўккансен магар?

Эшитиб, кулди халойик, эй, на хуш,

Жавлакийни ўзига ўхшатди кўø.

Сен азизларни ўзингдек билмагин,

Гарчи ўхшашдир ёзувда “шер”у “шир“.

Жумла олам шул сабаб гумроҳ эрур,

Кам киши Хак ахлидин огоҳ эрур.

Баъзилар ўзни набийман, дер холос,

Авлиёни ўзига айлар киёс.

Дер: улар эрса башар, биз хам башар,

Биз-да нон ермиз, улар-да нон ошар...

Вах, улар кўрдирки, кўрмас хâ÷ качон,

Ўртада бордир тафовут ончунон...

Арилар хам турфадирким, хар махал,

Кай бири оху, бири йигкай асал.

Икки оху бир гиёх ер, сархисоб,

Биттасидин — гўнг, биридин — мушки ноб.

Ул камишлар бир ариқдин сув ичар,

Биттаси — бўм-бўш, бириси — найшакар.

Богки, ўхшаш жону жонзотдир басе,

Ўртада фарку тафовутдир басе.

Ул еса, ундан нажосатдир жудо,

Бул еса, бундан нукул нури Худо.

Ул еса, келгай факат бухлу⁴ хасад,

Бу еса, бўлгай факат ишки Ахад.

Бул замин аъло, ану шўрдир сўник,

Бул фаришта, ул еса девдир хунук.

Икки сув бокканда бир сувратлидир,

Бул шириндир, ул эса — аччик, тахир.

Тотли сув, шўр сув деярлар отини,

Сохиби завклар билурлар тотини.

Жодуни мўъжизага айлаб киёс,

Хам уларга хийлани англаб асос.

Сехргарларгаким, асо олгач Мусо,

Кўлларига олдилар бир-бир асо.

Ул асадин бу асонинг фарки бор,

Ул амалдин бул амалдир устувор.

Ул амалдин лаънатуллоху жафо,

Бул амалдин роҳматуллоху вафо.

Ахли кофир таъбидир маймун таъби,

Килса бир иш, айлагай маймун каби.

Хар нे мардум айлагай, ул хам килур,

Килганин мардум ишига тенг билур.

Бошкалар килганни килдим, дейди у,

Фаркини билмас vale истезар ўк.

Сидк эмас, кўз-кўз учундир килгани,

Бошига тупрок сочингиз бўйлани.

Гар мунофик бош эгіб, әтгай намоз,

Хийладир ул әтгани, әрмас ниёз.

Үл мунофик рұзаву хажу закот

Бобида айлар магар мұғынни мот.

Ахли мұғын окибатда шод әрур,

Үл мунофик охиратда мот әрур.

Иккиси-да бир үйин үйнар, бирок,

Марву Ройдек бир-биридин күп йирок.

Хар бири боргай макоми сўйига,

Ўз макоми, балки номи сўйига.

Ул бири “мўъмин” дейилса, хуш эрур,

Бул “мунофик” сўзидин оташ эрур.

Ул бирининг исми маҳбуб зотидин,

Бул бирининг номи паст бедодидин.

Миму вов, мим, нунда гар ташриф йўқ⁵,

Лафзи мўъминдек вале таъриф йўқ.

Чун “мунофик” сўзи айтилган замон,

Санчилур кўнгилга, чаккандай чаён.

Гар десанг, ул дўзахимас, оти бор,

Бас, нечун унда жаханнам тоти бор.

Ном агар ўксук эса, харфдин эмас,

Сув агар аччик эса, зарфдин⁶ эмас.

Харф — идиш, маъно — идишда сув хамон,

Бахри маъно хам китоб ичра нихон.

Бахри талх, бахри ширин хам мавжланур,

Лек кўшилмас, бир биридан ажралур.

Лекин уларнинг асли бирдир, аслига,

Иккисин топшир-да, тушма касдига.

Ул асл олтинмидир ё сохтакор,

Бемахал бўлгайму сенга ошкор?

Тангри хар жон ичра кўймиш бир маҳҳак,

То якинни билгай ул бешубха-шак.

Гар киши огзига ногох кирса хас,

То у хасни олмагунча тинчимас.

Мингта лукма ичра бир чўп тушса гар,

Одамий ул чўпни дархол хис этар.

Хисси дунё шул жаҳонга нарвон,

Хисси диний осмонга нарвон.

Ул бирига дору дармону табиб,

Бул бирига дору дармондир хабиб.

Сог эрур ул хис, танинг бўстон бўлиб,

Сог бўлур бул хис, танинг вайрон бўлиб.

Жон йўли жисмингни гар барбод этар,

Сўнгра ул вайронни хам обод этар.

Ганжу зар деб уйни бузгайлар, бирок,

Ганж сарфлаб, уй куурлар яхширок.

Сувни богларлар арик казган замон,

Чун арик шай бўлса, сув оккай равон.

Терини шилдинг магар, олдинг тикан,

Ул ярога тери келгай янгидан.

Калъа вайрондир камалга келса дуч,

Ёв кувилгач, тикланур девору бурж.

Хак ишидир бул, нечун деб ким сўрар,

Бул сўзким хам бир заруратдин магар.

Гоҳ чунон кўрсатгай ул, гоҳ инчунин,

Баски, хайрондир бокиб бу ишга дин.

Âйст юзин бурганга хайрон эрмас ул,

Âйстга хайрон, дўсти бирлан маст ул.

Ул бирининг дўстга ўгирилмиш юзи,

Бул бирида дўсту махбуб орази.

Сен разм сол икки юзга, эт киёс,

Балки бўлгайсен бу ишда рўшинос.

Жумла иблислар-да одам юзли, бас,

Хар кишига кўл бериш хам яхшимас.

Овчи чорлар күшчани хүштак чалиб,

Күшча келгай бул товушга алданиб.

Үхшатар хүштакни күшнинг бонгига,

Шул йўсин тушгай у сайёд домига.

Яхшилардин сўз ўкирлар марди дун⁷,

Ўзгага ўз молидек сотмок учун.

Мард иши равшанлигу мардоналик,

Хийладир номард иши, бегоналик.

Ёпинур шер терисини тулкилар,

Бу Мусаллам отини Ахмад кўяр.

Бул Мусаллам номи гар каззоб эрур,

Ул Мухаммад улувал албоб⁸ эрур.

Хак шароби кóёкасидир мушкиноб,

Боданинг ости тахир, ичмок азоб...

«ФИХИ МА ФИХИ»)дан¹

<...> Сўз хакикатининг сояси² ва парчасидир. Модомики соя ўзига тортар экан, у холда хакикат янада яхшиrok жазб этади. Сўз баҳонадир. Бир инсонни бошка бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки икковида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир. Агар бир инсон юз минг мўъжиза ва қаромат кўрса, аммо унда валий ва набига уйгун бир бўлак бўлмаса, бирлашмайдилар ва бунинг фойдаси хам йўқ. Унинг валий ва набийга bogланган, улар севгисини кўнглида орттирган нарса ўша омухта - ўрток парчадир.

Агар бир жисм таркибида оханрабо билан муштарак бўлган бир парча бўлмаса, у жисм хеч качон оханрабо тарафга кетмайди, яъни тортимайди.

Улар
орасидаги
бир
хиллик
ГИЗЛИ
з
бир нарсадир, кўзга кўринмайди.

Инсон хаёлидаги нарса уни ўз оркасидан етаклайди. Масалан, боди хаёли бокка, дўкон хаёли дўконга олиб боради. Факат бу хаёллар хакикатни яширади. Чунончи, бир нарсанинг хаёли сени ўзига тортади ва сен у томонга кетмоқдасан. Чунки хаёл сенга у нарсани гўзал килиб кўрсатган. Бирок келгач, пушаймон бўласан ва ўзингга ўзинг: "Буни яхши деб ўйлабман,
аслида ундин эмас экан" дейсан. Шунинг учун хам хаёллар - ичига кимдир яширинган чодирларга ўхшайди. Качонки, хаёллар йўқолиб хакикат юз кўрсатса, пушаймонлик хисси хам сени тарқ этади:
сени (ўзига) тортган хакикат сени жазб этган хакикатдан бошка нарса эмасдир. "У кун яширин нарсалар ошкор бўлади" (Куръон каримдан). Аслида жазб этган нарса биттадир. Факат кўп кўринади...

"Уларнинг хисобини (сонини) коғирлар учун азоб ва машаккат айладик" (Куръон каримдан) дея буюрилгани каби бу инсонлар карашига хисобдек оғир бир иш чикади. Масалан, бунга "бир", наригиларига эса "юз" дейдилар, яъни валий учун "бир" ва халк учун "юз минг" дейдилар. Бу катта гунохдир. Валийни
бир
, бошкаларни
кўп
кўрмок кўриш ва англаш йўлини йўкотмоқдир, улкан фитнадир. Чунки сиз уларни кўп,

валийни эса бир кўрмокдасиз.

<...> «Юзингни кай тарафга бурсанг, Аллох у ердадир» (Куръон карим, 2:109). У хамма жойда мавжуд. Чехраси доимийдир, ўлмасдир. Ошиклар ушбу чехрага ўзларини фидо килиб, эвазига хеч нарса истамаслар...

Зоҳид охарни (бошкасини, гайрни – тарж.) кўрган кишидир, дунё ахли бўлса охирни (сўнгни) кўради. Факат Аллохнинг хос куллари ва орифлар на охарни, на охирни еўарлар. Улар назарлари аввалга тушади ва хар ишнинг аввалини биладилар...

Дард доимо инсонга йўл очади. Дунёдаги хар иш учун инсон юрагида иштиёқ, хавас ва дард бўлиши лозим. Акс холда, инсон бу ишни килмас. Дардсиз ва захматсиз иш хам унга мусассар бўлмас. Дунё ва охират, тижорат ва шохлик, илм ва бошка ишларда бўлсин, барчасида ахвол шундок...

<...> Сўз - идрок килишда сўзга муҳтож бўлганлар учундир. Сўэсиз идрок этганинг сўзга кандай эҳтиёжи колади? Идрок эта билган учун кўкларнинг, ернинг хаммаси сўздир. Хафиғ бир сасни эшитганга бакириб-чакиришнинг нима хожати бор? Дунё хам Куръондаги "Бўл!" (Унинг амри «Бўл!» демак эди. У хамон бўлди", Куръон карим, 36:82) сўзидан бино бўлгандир.

Хикоя: Арабча гаплашадиган бир шоир бир турк подшохи хузурига келди. Хумкдор форс тилини хам билмасди. Шоир унинг шаънига жуда гўзал бир шеър ёзиб келтирганди. Шоҳ таҳтда, колган амиру вазирлар ўз ўринларида ўтирас эдилар. Шоир кўзгалди ва шеърини ўқиб берди. Шунда хукмдор шеър мазмунига уйғун равишда харакатлар килиб турди. У ердагилар "Шоҳимиз шунча йилдир, биздан арабча билганини яширган экан, агар ўтган давр мобайнида оғзимиздан арабча ёмон гап чиккан бўлса, холимизга вой!" дедилар.

Кейин хукмдорнинг хос кулларидан бирига "Шоҳ арабча биладими, йўқми? Билмаса, нечун муносиб бўлган ўринларда мувофик харакатлар килди?

Бизга хабарини бер" - деб, унга кимматли нарсалардан бердилар.

Кунлардан бир кун хос кул бу масъалани ечиш фурсатини топди. Ов пайтида шоҳ жуда

мамнун эди. Шундан фойдаланиб, хукмдордан ётиги билан сўраган эди, подшох шундай деди: "Худо хакки, мен арабча билмайман. Аммо унинг бу шеърни ёзиш максадини билганим учун,

шоир мени мактамокчи бўлганини,

шеър бир восита эканини

англаганим

учун

илтифот

кўрсатдим. Максад бўлмаганда шеър хам ёзилмасди". Шунинг учун максадга карайдиган бўлса,

иккилика

4

ўрин колмайди. Иккилик

тафаррутда (бўлинганлик, айрилганликда - тарж.). Асос бирдир.

<...> "Олим" калимасининг маъноси лугатда орифдан устун ва маъноли демакдир. Чунки Тангрига олим дейилади. Бирок

ориф демок жоиз эмас. Ориф деганда олдин билмай, кейин ўрганган деган маъно тушунилади ва шунинг учун бу Аллохга нисбатан айтилмаслиги керак. Шунга карамай, урф-одат нуктаи назаридан (сўзнинг) ишлатилишига кўра

маъноси

кўпдир. Чунки

ориф урф-одат кўкрагида оламни далилсиз холда кўзи билан кўрган ва кузатгандир.

Олимнинг (эса) юз

зоҳиддан

афзал

эканини

гапиришади. Чунки зоҳид илм билан зоҳид бўлган. Илмсиз

зухд

5

бўлмайди.

Зухд нимадир? Дунёдан юз ўгирмок, тоат ва охиратга таважжух (юзланиш - тарж.).

Бунинг учун инсон дунёни, унинг чиркинлигини, вафосизлигини ва охират гўзаллигини, унинг доимий ва бокий эканлигини билиши керак. Чунончи, "Нима килай, кандай тоат билан машгул бўлай?" дея жаҳд этиш хам бошдан оёқ илмдир. Шундай экан, илмсиз зухд бўлмайди. Шу эътибор-ла, зоҳид хам олим, хам зоҳиддир. Ва "Бир олим юз зоҳиддан афзалдир" фикри айни хакикатдир.

Бу илм ва зухддан бошка яна бир илм бордирки, Тангрининг зотига тегишилидир. Мазкур

иккинчи илм зухд ва илмнинг самарасидир. Бунга сохиб бўлган олим юз зохиддан эмас, балки юз минг зохиддан хам устундир. Аллоҳ буни истаганига (бандасига - тарж.) беради. Бу шунга ўхшайди: масалан, бир одам битта кўчат ўтказди ва у катта бўлиб мева берди. Шу мевали ёлгиз дарахт мева бермаган юзта дарахтдан яхширокдир. Яна бир мисол: Каъбага етган бир хожи Каъба сари отланган, бирок хали етиб келмаган ва йўлларда харакатланаётган, Каъбага мусассар бўлишлари гумон бўлган хожилардан афзалроқдир. Чунки Каъба жамолига мушарраф бўлишлик хакикатан хам ўша биргина хожига насиб этмиш. Бир хакикат юз дона шубҳадан авлодир 6 .

<...> Хар бир нарсанинг асли - сўз. Сенинг сўздан хабаринг йўқ ва уни менсимайсан. Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан тугилади. Улуг Тангри оламни сўз билан яратди ва «Бўл!» дейиши билан у хам бўла колди" (Куръондан).

Иймон калбдадир. Бирок уни сўз билан ифода килмасанг, фойдаси бўлмайди. Намоз хам феъл (амал)дир. Агар Куръон ўкимасанг ўкиган намозинг сахих (тўгри - тарж.) бўлмайди. Сен хозир "Сўзнинг ахамияти йўқ" дейишинг билан ўз-ўзингни инкор этяпсан. Чунки сен шу фикрни хам сўз билан ифода килмоқдасан...

"Инсон гапирувчи хайвондир"⁷. Унинг хусусияти хайвонликдан ва гапиришдан иборат. Хайвонлик унда доимийдир, айрилмасдир. Сўз хам шундок. Инсон кўринишидан хеч нарса демаса хам, ичиди хамиша гапиради. Бу хол гўё лой коришган сув тошкинига ўхшайди. Тошкиннинг тоза суви инсоннинг сўзи (нутки), балчиги эса хайвонлигидир. Бирок балчик унда ўткинчи бўлиб, вакт келиб улардан асар хам колмайди. Яхши ёки ёмон бўлишига карамай, сўзлар, хикоялар ва билимлар колади. Кўнгил ахли бир бутундир 8

. Сен уни кўришинг билан хаммасини кўрган бўласан. Чунки "Овнинг бори ёбон эшагининг ичидадир" дейишади. Дунёдаги жамики хилкатлар унинг жузъвлариридир ва (У) куллдир.

Байт:

(Барча яхши ва ёмон нарсалар дарвишнинг жузъвларидир.

Агар бундай бўлмаса, у дарвиш эмасдир).

Куллни (шубҳасиз равишда) кўрганинг учун бутун оламни ва кейинрок, хар кимни кўрасан. Уларнинг сўзи шу куллнинг ичидаги ва бу сўзларни эшитганинг сабабли энди эшитадиган хар бир сўзинг тақрордан иборат.

Байт:

(Ким уни бир ерда кўрган бўлса,

гўё хар инсонни ва хар ерни кўрган бўлади).

Шеър:

(Эй, Тангрим китобининг нусхаси бўлган сен

ва эй Шоҳлик Жамолининг ойнаси бўлган сен!

Оlamда сендан холи бўлган нарса йўқдир.

Хар истагингни ўзингдан иста (изла), чунки

хамма нарса сенсан).

<...> Биттаси: Улуг Аллоҳ "Мен Ерда (Одамни) халифа (ёрдамчи) килмокчиман" (Куръони карим, 2:30) - дея амр этади. Фаришталар: "Ерда бузгунчилик киладиган, конлар тўқадиган кимсани (халифа) киласанми? Холбуки, биз хамду сано айтиш билан Сени улуглаймиз ва Сенинг

номингни

мудом

пок тутамиз (Куръони карим, 2:30) - дедилар. (Улар) Одам хали келмасдан (яратилмасдан - тарж.) олдин унинг фасодчи ва кон тўкувчи эканлигини кандай билдилар? - дея сўради. Мавлоно буюрдики: Бу ерда иккита нарса бор.

Бири -

наклий, иккинчиси - аклий

Наклийда: фаришталар Лавхул

махфузда (ривоятга кўра: Аллоҳ оламларни яратишдан аввал бир лавха ва бир калам бор этди. Сўнгра калам билан лавхага ёзди - тарж.) бир кавм майдонга чикади, уларнинг бунака сифатлари

бор, дея

ўқидилар хамда боҳабар бўлдилар. Аклий: Фаришталар акллари оркали (яратилаётган - тарж.) кавмнинг ердан (тупроқдан - тарж.) бўлишини англадилар.

Демак, улар (одамлар) шубҳасиз, хайвон бўлади, ва албатта, (у) каби харакат этади.

Хатто улардаги маъно ва нутқдан катъий назар, хайвонликлари туфайли чор-ночор фасод чикарадилар, кон тўқадилар. Чунки бу инсоннинг заруридир. Ўзга бир кавм хам бу борада дейдики: Малаклар нукул окил ва хайрлидир.

Уларнинг хеч кандай ишда ихтиёрлари йўқ. Худди

инсон уйкуда экан, куфр ёки тавхидга муносабат билдира олмаганидек, уйгок экан, фаришталар шундайдирлар. Инсонларнинг эса ихтиёрлари бор. Улар нарсаларни истай оладилар. Ва хаммасини ўзлариники бўлиши учун кон тўқадилар. Бу хайвон васфири.

Шунга кўра, уларнинг (малакларнинг - тарж.) холи инсонлар холига зиддир.

Демак, ўртада тил бўлмаса-да, "Улар шундай дедилар" дея хабар бердилар. Чунки, масалан, шоир ёзадики, "Ховуз: мен тўлдим, деди". Аслида, ховуз гапирмайди. Лекин унинг тили бўлсайди, шу

холда экан (сув тўлганда - тарж.) "Мен тўлдим!" дерди.

Хар маслакда бир лавха¹⁰ бордир. Фаришта дунёнинг холини ва нима бўлажагини ўша ла вхадан

ўкиб

баҳоли

кудрат

билади. Ўкиган амалга ошиши билан Улуг Аллоҳга бўлган инончи, ишки ва Унда кечиши (мастлиги) яна-да ортади. Аллоҳ гайбининг билувчилиги ва буюклигига хайратланади. Хайрат эса сўзсиз ва жумласиз равишда Унинг зикри, тасбехи бўлади.

<...> Бизнинг кўнглимиз доим маънан сизнинг химматингиз ёнида бўлиши билан баравар суратан

хам шарафланмок истадик. Чунки бу суратнинг хам улуг бир эътибори

бордир. Эътибор не демак? У хатто ўзлик ва маъно билан teng. Миясиз калланинг иши хеч нарсага ярамагани каби

кобик

11

сиз мева хам етилмайди. Чунончи, бир данакни кобиксиз холда ерга эксанг, кўкармас.

Кобиги билан экканинг вактда

унади ва

улкан бир дарахтга айланади. Шу нуктаи назардан вужуднинг хам буюк бир асли,

хизмати бордир. Бундай бўлиши табиийдир. Худди шу асл маънодир. Аммо бу - ўзи хам маъноли, маънони хам билган, англаган кишилар учун шундокдир.

"Икки ракаат намоз дунё ва ундаги нарсалардан хайрлидир". Бу сўз хамма учун эмас. Бу шундай кишилар учунки, уларга дунё моли кўлида бўлса хам икки ракат намозни ўқимаслик ўша молни кўлидан чикаргандан огиррок туюлади.

Бир дарвишга подшоҳ: "Эй зоҳид!"¹² - деди. У эса: "Зоҳид сенсан" деб жавоб кайтарди. Шоҳ: Мен кандай зоҳид бўлайин. Бутун дунё, охират ва жамики мол-мулклар меникидир. Оламни мен олдим. Сен эса факатгина бир лукма ва бир хирка билан
каноат этдинг", - деди. Дарвиш: "Юзингни кай тарафга бурсанг,
Аллоҳ у
ердадир"

¹³

. У хамма жойда мавжуд. Чехрадир, доимиийдир, ўлмасдир. Ошиклар ушбу чехрага ўзларини фидо килиб, эвазига хеч нарса истамаслар. Бошкалар эса хайвон сингариидирлар.

<...> Сўз инсоннинг киймати кадар кадрлидир. Бизнинг сўзимиз сувга ўхшайди. Сувни мироб оқизади. Сув ўзини мироб кайси чўлга хайдаганини каердан билсин... «Аллоҳ ўз хикматларини эшитганларнинг химматлари ўлчовида воизлар тилига куяди».

Рубоий:

(Ўйламаки, Аллоҳ йўлига тушган эрлар йўқ деб.

Комил сифатлилар нишонсиз хам эмаслар.

Сен сирларнинг маҳрами бўлмаганинг учун

Ўзгаларни хам ўзинг катори хисоблаяпсанми?..

<...> Авлиё ва анбиё хеч качон мужохададан чекинган эмаслар ва уларнинг илк курашлари нафс, орзу ва шахватларини тарқ этмақдир. Бу ўта буюк жанг хисобланади. Восил бўлиб, баркарорлик (амният) макомига етишилгандан кейин эгри ва тўгрининг сирлари кашф әтилади. Ва тўгрини эгри билан кўрадилар ва шундай биладилар. Мужохада ичида коладилар. Чунки бу халкнинг бутун ишлари эгри ва янглишдир. Набий ва валийлар буларни кўрадилар, уларга тахаммул этадилар. Агар бундай килмай уларнинг эгри ишларини очик айтсалар, хамма улардан кочади ва мусулмонлик саломини хам кизганади...

<...> Сурат (юз) ишк¹⁴ нуридир. Чунки ишксиз у хам кийматдан маҳрум. Нур - аслсиз номавжуд нарса. Шунга кўра, Тангрига сурат дейилмаганидек, нур хам дейилмайди. Чунки сурат нурдир. Бири: "Ишк суратсиз бўлмаганига, рўёбга чикмаганига кўра, суратнинг нури бўлиши керак", - деди. Биз: "Ишк суратсиз нечун тасаввур этилмасин?" - деймиз. Хатто суратни ишк майдонга келтиради ва ундан юз минглаб сурат хосил бўлади.
Булар айни замонда, рўёбга
чиккан,
шаклу
шамойил
олган
суратлардир. Рассомсиз расм
бўлмаганидек,
аслсиз эса расм бўлмайди. Гўё бармокнинг харакати билан узукнинг харакати янглиг.

Юрагида уй куриш ишки бўлмаса, меъмор унинг тархини чизмайди. Бугдой бир йил олтин баҳосида, бошка йил тупрок кийматида сотилиши
Н. мумки
р Ха
ККИ и
Йилда хам унинг

сурати ўшадир - бугдойдир. Бирок унинг кадри унга
бўлган

ишк

(эхтиёж

-
тарж.)

туфайли

майдонга

келмокда.

Худди

шундай, сенинг санъатинг хам факат сен учун азиздир. Унга рагбат кўрсатиб, уни севиб
ўрганувчи (ишк) топилмагунча, у яна шу холда колаверади.

«Ишк» - нимагадир мухтоҷлик. У холда, эхтиёж - асл, мухтоҷ(ни) эса «нур» дейишади.

Биз деймизки: Сен эхтиёжинг бўлгани учун шундай деяпсан. Демак, эхтиёжинг олдин
майдонга келади, сўз эса ундан тугилади. У

холда,

сўз бўлмаса хам эхтиёж мавжуд. Шунга кўра, ишк ва эхтиёж унинг (сўзнинг - тарж.) нури
бўйолмайди. У: "Эхтиёждан максад сўз эмасми? У холда максад кандай килиб нур бўла
олади?" - деди.

Биз "максад хар доим

нурдир. Чунки

дараҳтнинг илдизидан максад унинг нури,
яъни гавдасидир, шоҳлари ва хоказоларидир" - дедик.

<...> Бир дедики: "Бизни химмат билан эсла! Асл бўлган нарса химматдир. У сўзсиз хам
мавжуд, чунки химмат - нур". Мавлоно буюрадики: химмат жисмлар оламидан аввал
рухлар оламида хам бор эди. Демак, бизни жисмлар оламига курук келтирмадилар.
Бунга имкон, йўқ. Шундай экан, сўзнинг хам муайян ўрни бўлиши керак. Ахир данакнинг
факат магзини ажратиб эксанг, кўкармайди. Холбуки, кобиги билан ерга ташласанг, ўсиб
чикади. Шу нуктаи назардан каралганда, суратнинг хам ахамияти борлиги аён бўлмокда.

"Калб хузурисиз килинган намоз намоз бўлмайди" (Хадисдан) - дея буюрилганидек,
намоз хам ичдадир. Бирок сен уни шаклларга ўрайсан. Кўринишида руку
(эгилмок) ва сажда билан намозга сурат бериш лозим. Буларни бажариб, ундан ўз
насибангни олурсан, муродингга етурсан.

"Улар намозларида доим баркарор бўлгувчи зотлардир¹⁵" деган оятдаги намоз рухлар

намозидир. Суратан, шаклан килинган намоз муваккатдир, доимий эмас. Чунки рух денгиз оламидир. Сўнгизидир. Шунга кўра, хамишалик намоз рухнингдир. Рух хам руку ва саждалардан холи эмас. Бирок буларни очик шакллар билан кўрсатмок керак. Чунки маънонинг сурат билан боғликлиги бор. Иккаласи бирлашмагунча

фойда хам бўлмайди. Сурат маъно нуридир. Сурат - фукаро, кўнгил подшоҳ деганингда, бу исмлар изофадир. "Бу унинг нуридир" дединг. Нури бўлмаса, у кандай килиб асл бўлиши мумкин? Модомики, "Аёл" дер экансан, иложсиз "Эркак" хам

дейишинг

керак ёки "Аллоҳ" дегандан кейин "Кул"ни хам эсдан чикармаслик зарур.

Фасл (Инсон майли ўз чегарасидан чикканда,

дўстлик душманликка дўнади).

Байтнинг маъносини сўрадилар. Мавлоно буюрдики: душманлик олами дўстлик оламига нисбатан тор. Чунки одамлар дўстлик оламига етмок учун душманлик оламидан кочадилар. Ўз навбатида дўстлик олами хам дўстлик ва душманликни вужудга келтирган оламга киёсан тор. Дўстлик ва душманлик, инкор ва иймон иккиликка сабабдир. Чунки куфр – инкор. Инкорчи учун инкор килиниши керак бўлган киши лозим бўлганидек, кабул этувчига хам кабул этилиши шарт бўлган бир зот зарур. Шундан хам кўринадики, бирлик ва бегоналик иккилиги мавжуд. У одам эса куфр ва иймоннинг, дўстлик ва душманликнинг ташкарисидир. Модомики, дўстлик иккиликни пайдо килар экан, демак, иккиликсиз, факат бирликдан иборат бўлган олам бордир. Инсон унга эришиши билан дўстлик ва душманликдан чикади. Чунки бу сифатлар у оламга сигмайди. Демак, у ерга етишган инсон иккиликдан халос бўлган зотдир. Иккилик – ишқ ва дўстлик мавжуд бўлган дастлабки олам мазкур олам каршисида гарibu бечорадир. Шунинг учун хам энди (иккиликли олам) исталмайди. Энди киши кийматсиз оламни ўзига душман деб хисоблади. Чунончи, Мансур ўз-ўзига душман бўлди ва ўзини йўқ килди. Чунки унда Хакнинг дўстлиги хаддидан ошганди. Мансур «Анал Хак» деди, яъни мен фано топдим, йўқ бўлдим. Ёлгиз колган Зот Хакдир, демокчи бўлди. Бу камтаринликдир. Бандаликнинг охирги нуктасидир...

<...> "Аллох инсонни ўз сурати асосида яратди" (Хадисдан). Инсонлар доимо мазхар (ўзи
ни
ўрсатувчи нарса - тарж.) кидирадилар. Баъзи аёллар ўрангандир ва ўзларини канчалик
кидирганини
(исталганини - тарж.)

синамок

учун

юзларини очадилар. Худди устарани синаганинг каби.

Ошик севгилисига: "Мен ухламадим, овкат емадим, сенсиз ёндим, куйдим" дейди. Бунинг
маъноси шудир: Сен бир мазхар излаяпсан ва у менман. Сен мазхарга маъшуклик
сотяпсан.

Олимлар ва санъаткорлар хам хамиша мазхар кидирадилар. "Мен яширин хазина эдим,
билинмок истадим" (Хадисдан). Унинг хукмлари барча одамларда зухур этди.

Чунки уларнинг хаммаси Аллохнинг соясидир ва бу соя сохибига ўхшайди. Агар беш
бармок очилса,

сојаси хам очилади,

эгилса-чи, у

хам эгилади. Шунга кўра, Хакни кидирган бир исталган ва севилганни хоҳлайдики, хамма
унинг дўсти, севгилиси ва итоаткори бўлишни орзу этади. Хамда душманларига душман,
авлиёларига дўст бўлишни хам унутмайди.

Нихоят,

буларнинг хаммаси Аллох

кўрсатган хукмлар сифатларидир. Сојамизнинг

биздан

хабари йўқ бўлишига карамай, биз улардан вокифдирмиз.

Лекин Аллох билимининг каршисида бизнинг хабаримиз хабарсизлик демакдир.

Шахснинг хамма кирралари унинг соясида акс этмайди. Худди шундай

Аллохнинг барча сифатлари хам бизда тўла-тўқис намоён бўлмайди. Факат
айримларигина кўринадики, "Айтинг: Рух ёлгиз Парвардигорим биладиган ишлардандир.
Сизларга жуда оз илм берилгандир

16

" дея буюрилган.

Фасл. Буюрдики, инсон нафсида шундай бир нарса борки, хайвонларда йўқдир,
дейишади. Аммо бу инсон улардан ёмон, дегани эмас. Балки шундайдир: инсондаги ёмон
феъли-хўй, нафс ва бахтсизлик мавжуд бўлган яширин жавхардандир. Факат феъллар,
бахтсизликлар ва ёмонликлар жавхарнинг пардаларига айланган. Жавхар канча гўзал
ва буюк бўлса, парда хам шунга ярашадир. Барча ёмонликлар жавхар пардасининг
воситаси ва парданинг кўтарилиши -имконсиз. Шунга карамасдан, улкан мужохадалар
сўнгиди мумкинлар. Мужохидлар хар хил. Мужохаданинг энг буюги-бу дунёдан юз
ўгириб, Аллохга йўналган ёронга кўшилмок ва аралашмоқдир. Мужохада яхши ва тўгри
бир дўст билан юзма-юз ўтиришдан мушкулрок эмас. Чунки уларни кўрмак нафснинг эриб
йўқ бўлишидир. Шунинг учун хам илон кирк йил инсонни кўрмаса, аждархога айланади,
дейишади. Каергаки, катта бир кулф оссалар, билгилки, у ерда нафис ва кимматли

нарса бордир. Жумладан, каердаки, парда калин ва мустахкам бўлса, ўша ердаги жавхар яхшироқдир. Чунончи, хазина устида илон ётади. Бирок сен унинг хунуклигига эмас, дафинадаги нафис нарсаларга бок!